25 0.3 97

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, муҳтарам юртдошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Авваламбор, ота-боболаримиздан қолган қадриятларимизга амал қилиб, бизни шу мўътабар кунларга — Янги йилга, Наврўз айёмига етказгани учун Яратганимизга шукрона ва ҳамду саноолар айтишимиз даркор.

Ўзининг буюк фазилатларига ҳамиша содиқ бўлиб, мураккаб синов даврларида ҳам Наврўздек ноёб урф-одатини кўз қорачиғидек асраб, эъзозлаб келган аждодларимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди, албатта.

Асрлар бўйи, минг йиллар давомида Наврўзи олам халқимизда, ҳар бир оилада, ҳар бир хонадонда энг орзиқиб кутиладиган хурсандчилик, гўзаллик ва нафосат куни, баҳор фаслини намоён қиладиган байрам бўлиб келмоқда.

Наврўз — табиатнинг уйғониш, яшариш фасли. Табиат уйғонар экан, инсон руҳи ҳам янгиланади. Шу билан бирга инсон билагига куч, юрагига янги интилиш, ҳаётига янги умид ва орзулар кириши табиийдир.

Барчамизнинг эзгу ниятимиз — юртимиз тинч ва обод, дастурхонимиз тўкин ва баракали бўлсин, оиламиз ва фарзандларимиз, ёру биродарларимиз соғ-саломат, бахтли-саодатли бўлсин.

Шубҳа йўқ — кейинги йилларда қилган меҳнатларимиз, чеккан заҳматларимиз асло зое кетмайди. Янги йилга — Инсон манфаатлари йилига қадам қўяр эканмиз, бунёд этган пойдеворимиз шу эзгу ниятларни амалга оширишга хизмат қилиши, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон ҳаётини яхшилаш учун ўз ижобий самарасини бериши муқаррар.

Ишонаман, жамиятимизда, хонадонимизда ўзаро аҳиллик, тинчлик-тотувликни сақлаб, асраб-авайлаб яшар эканмиз, ҳаётимизни шу асосда қурар эканмиз, янги йилимиз ҳам кўп миллатли меҳнатсевар халқимиз учун қут-баракали бўлажак, иншооллоҳ.

Муҳтарам дўстлар!

Тинчлик барқарор бўлган юртга байрам ярашади. Ҳаловатли элнинг баҳори ҳам, ёзи ҳам, кузию қиши ҳам — қўйингки, ҳар бир куни файзли-тароватли бўлади. Тотувлик, осудалик бўлган жойдан бало-қазолар йироқ юради.

Наврўз яна бир хислати билан бизнинг миллий табиатимизга яқин. Шу кунларда эски гина-кудратларни, ҳар хил ёмонликларни эсдан чиқариш, меҳр-оқибатли, мурувватли бўлиш, бева-бечораларнинг ҳолидан хабардор бўлиш, етим-есирларнинг кўнглини олиш сингари, Оллоҳнинг ўзи элюртимизга ато этган, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган фазилатлар ҳам Наврўзнинг олижаноб моҳиятидир.

Илоё, шу қутлуғ тонгда сепган уруғларимиз, ўтказган кўчатларимиз мўл-кўл ҳосил берсин!

Юртимиздан, хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Наврўз саҳарида қилган тилакларимиз ижобат бўлсин!

Муқаддас Ватанимиз ҳамиша омон бўлсин!

Умримизнинг ҳар дақиқаси Наврўзга айлансин!

Яна бир бор барчангизни улуғ айём билан муборакбод этаман, азиз ватандошларим!

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 22 март, шанба № 36 (22.120).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

НАВРЎЗ ГАВҲАРЛАРИ

БОЛАЛАР КЎЗИДАГИ ҲАЙРАТ

Инсон ўзининг азиз нарсалари билан тирик. Шу азиз нарсалар учун яшайди, улар учун машаққат чекишдан роҳатланади. Қадрли нарса нима? Бўлар, аввало, жуда оддий нарсалар: тупроқ, осмон, қуёш, ўз уйи, ўз уйида гултувакда ўсаётган гул... Она, фарзандлар, Ватан — ҳар биримиз учун ниҳоятда қадрли бўлган бу нарсалар қанчалар оддий. Шунчалар оддийки, уларни ҳадеганда пайқамаймиз. Уларнинг улуғлиги ҳам ана шу оддийлигида эмасмикан!

Инсон ҳаёти узлуксиз равишда ана шу оддий нарсалар ичида кечади, шу оддий нарсалардан маъно, мантиқ топади. Наврўз — Йилбоши ана шундай кўзга ташланмас оддий нарсалардан топилган улкан Маъно десам ажабланманг. Бу маънода аждодларимиз тафаккури ва тасаввури, орзу-армони, мақсадняти мужассамлашган. Тупроқ, сув, ҳаво, қуёш, ой, юлдузлар — бутун табиат ва инсоннинг ўзаро муносабатлари, қурт-қумурсқадан тортиб дов-дарахтгача бўлган мавжудотнинг, яъни заррадан коинотга қадар ашё ва ҳодисаларнинг мувозанати илоҳий бир тенглик кашф этади.

Бугун тонг жуда эрта оқарди. Назаримда, одамлар ҳам жуда эрта уйғондилар. Буни мен фарзандларимнинг эрта тонгданоқ туриб олганларидан пайқадим. Уларнинг чеҳрасида болаларга хос беғубор қувонч балқиб турибди. Кўзларидаги ҳайрат гўё дунёнинг баҳор қаршисидаги, Йилбоши олдидаги ҳайратига ўхшайди.

Осмон тиниқ. Ҳаво мусаффо. Шарқдан кўтарилаётган қуёш нурлари қўча-гузарларимизни, ҳовли-ўйларимизни ёритиб юборди. Гўёки, нурафшон бир сурурдан қалбларимиз ёришиб кетди. Кўчаларда катталардан олдин болалар кўринди. Қаранг, ўзбекнинг болалари қанчалик бахтиёр! Байрамона уст-бош кийган. Ҳозир уларнинг бошқа дунё билан иши йўқ. Наврўз ҳаммадан ҳам болаларимизга севинч келтирадиган, болажонларимиз бошлаб берадиган байрам. Тинч, осуда бошланаётган тантаналар фарзандларимизга қанчалар татийди! Болалар балки дарахтзорда яшилланиб қолган ўт-ўланлар орасидан бойчечак ахтаргани боришаётгандир. Узоқ-яқиндаги қўшниларимизнинг болалари, эҳтимол, бу тонгда ҳам урушда бедарак йўқолган ота-онасини излаб, кўзларида ёш билан кўчага отлангандир. Бизнинг болаларимизнинг бойчечак қидириши эса нақадар тинчликка, хотиржамликка хос машғулот. Бойчечак бугун оддийгина гиёҳ эмас. Фарзандларимиз орзуларининг тимсоли. Қишдан эсон-омон чиқиб олган юртдошларимизнинг эртанги — келажак кунларга, унибўсишга бўлган умиди, фаровон турмуш сари интилишлари.

Йилбоши тонгги шундай бошланмоқда. Лекин, назаримда, унинг тантаналари бир неча кун аввал бошланган. Уни айниқса, болалар бошлаб юборганлар. Барибир, ушбу тонгнинг шукуҳи бўлакча.

ТАРИХДАН БИР ЧИМДИМ

Буюк мутафаккиримиз Абу Райҳон Беруниийнинг «Осор ул-боқия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асарида қайд этилишича, Наврўз баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунича, дарахтлар гуллашидан мевалар етилгунча, ўсимлик униб чиқа бошлашидан такомил даражасига етгунича давом этган вақтга тўғри келади.

Улуғ аллома Умар Ҳайём келтирган далилларга кўра, Наврўз Марказий Осиё ва Яқин Шарқда милоддан анча аввал пайдо бўлган. Эҳтимол, Наврўз дастлаб табиатнинг уйғониш ва баҳордаги деҳқончиликнинг бошланишини англатадиган халқ шодиёнаси сифатида нишонланган. Кейинчалик ҳамма жойда тантана билан ўтказиладиган бўлган. Шу тарзда анъанага айланган. Умар Ҳайём «Наврўзнома» асарида Наврўзни нишонлаш қуёшнинг йиллик ҳаракатига асосланганлигини таъкидлаб ўтади. Асарда «Наврўзда уйжойларни тозалаш, кўкат ва гуллар билан безаш, ота-она ва бошқа яқин кишилар билан дийдорлашиш оддий халқ орасида ҳам одат тусига кирган» дейилади.

Наврўздаги тун-кун тенглиги тушунчаси мумтоз адабиётимизда ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, улуғ шоиримиз Алишер Навоий ўз ғазалларидан бирида шундай ёзади:

Васли аро кўрдим тенг эмиш бўйию сочи,
Тун-кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди Наврўз.

ЭСКИ ЙИЛЛАРГА ҚАЙТМАЙМИЗ

Йилбоши тантаналарига отланар эканман, мустақилликка бўлган даврда бу байрам қандай нишонланар эди, деган савол хаёлимга келиб қолди. Менга яқинда айтиб беришди. Наврўз ҳақидаги қўшиқ ёзилган пластинкани қўйиш эллигинчи йилларнинг ўрталарида ўт билан ўйнашишдек хатарли экан.

Кейинчалик ҳам мафкурамиз бошида турган «раҳнамо»ларнинг тазйиқ ва таъсири остида жойларда Йилбоши тантаналари ўтаётган давраларда «шотир»лар сумалак қайнаб турган қозонни ағдариб юборганини биламиз. Наврўзни йўқотиб, ўрнига бошқа замонавий, империянинг мафкурасига мос келадиган байрамни сунъий равишда ўйлаб топмоқчи бўлганлари ҳам сир эмас. Совун кўпигидан ясалмоқчи бўлган шар, табиийки, ҳеч нарсага ярамайди, ёрилиб кетди.

Биз энди эски йилларга қайтмаймиз.

ШАРҚНИНГ ЮРАГИ

Мустақилликкина бизга Йилбоши — Наврўзни чин маънода қайтарди. Истиқлолимизнинг биринчи йилидаги Йилбошини эслайман. Ишониб-ишонмай, қўрқа-писа тантаналарга қўшилишларимиз, одамларимизнинг дил тубидаги ҳадиксирашлар. Фалак яна чаппа айланиб кетмасмикин деган қўрқув. Ўшанда одамларимиз кайфиятида иккиланиш яққол кўриниб турарди.

Мустақиллик туфайлигина Йилбошимиз хонаки байрамдан дунёвий байрамга айланди. Ҳа, бугун уни дунё байрам қилмоқда. Айниқса, Ўзбекистонимизда Йилбоши сурури ўзгача.

Наврўз — бутун Шарқ ўзлигини намоён этадиган айём. Наврўз — бутун Шарқ халқларини бирлаштиради. Уларнинг илдизлари, теран томирлари ягона эканини исботлайди. Байрамлари муштарак халқларнинг урф-одатлари, демакки, қувонч-ташвишлари ҳам муштарак бўлади. Наврўзни, рамзий маънода, Шарқнинг юраги дейиш мумкин. Зеро, Шарқ халқларининг тили бошқа-бошқа бўлса-да, дили биттадир.

Наврўзни туркий халқлар Йилбоши дейдилар. Чунки у табиат мувозанатининг алмашиниши, фаслларнинг ҳақиқий алмашиши давридир. Бу даврда деҳқон ерга дон

сочади, боғбон кўчат ўтказади. Чўпон қўй-қўзи, эчки-улоғининг ғамини ейди. Мусича қу-кулайди. Тупроққа иссиқ югуриб, ўт-ўлан қўзғолишга тараддудланади. Биринчи қалдирғочлар учиб келади.

Бугунги Йилбошимизнинг қишда кутиб олинадиган Янги йилдан кескин фарқ қиладиган кўпдан-кўп фазилатларидан бири — қишда бир кунлик тантана учун дарахтлар, ям-яшил арчалар кесилади. Икки-уч кун ўтгандан кейин эса бечора арчалар ахлатларга ташлаб юборилади. Ҳатто «хизматини ўтаб бўлган» арча дарахтлари кўча-кўйга ташланганини ҳам кўп кўрганмиз. Эссиз, бу арчалар қанчадан-қанча тоғларнинг кўрки бўлиши мумкин эди. Ахир бир тасаввур қилиб кўринг-га, байрам баҳонасида неча туп дарахт кесилиб кетади. Инсон ўз шодлиги учун билиб-билмай табиатга қанчалар зиён-заҳмат етказади.

Бугунги Йилбошимизда эса, энг аввало кўчат ўтказилади. Янги-янги боғлар бунёд этилади. Ариқ-зовурлар тозаланади, сув очилади. Қишдан чиққач, ариқларда биринчи марта аввал лойқа, кейин тиниқ сув оқади. Ҳатто нуроний қарияларимиз ҳам яхши ният тилаб кўчат ўтказадилар. Кўча ва йўлак четларида, ҳовли-гузарларда дарахтларнинг таги юмшатилади. Янги, навқирон кўчатлар пайдо бўлади. Ерга биринчи уруғ ташланади. Яхшидан боғ қолади деган гап бекорга айтилмаган. Демак, рамзий маънода, янги ҳаёт, тириклик бошланади. Шунинг учун ҳам уни Йилбоши дейдилар.

Мозорлар тозаланади. Марҳумлар эсланади.

ЙИЛБОШИ КАЙФИЯТИ

Йилбошининг биринчи куни бутун Ўзбекистонни карнай — сурнай садолари, байрам тантаналари уйғотиб юборди. Бутун мамлакат байрам қилмоқда. Наврўз — ҳамманинг байрами.

Ватанимиз пойтахтида байрам таровати бутунлай алоҳида. Кўчалар тоза-озода. Йўллар четидаги турли рангли матолар, байроқлар майин шабадада ҳилпирайди. Тошкент одатдаги кунлардан бошқача безанган. Ҳар бир нарса байрамдан дарак беради.

Эрталабданоқ пойтахт аҳли Алишер Навоий номидаги миллий боғга оқиб кела бошлайди. Мен ҳам ўшалар орасидаман. Одамлар юзига диққат билан қарайман. Барчанинг юзида кулгу, севинч. Танишлар бир-бирини табриклаб, бахт тилайди. Байрам севинчи одамларни бир-бирига янада меҳрибонроқ қилиб қўйгандек. Одатда, қувонч ҳам, ҳайрат ҳам одамларнинг кўзида зуҳур этади. Мен бугун кўзларда балқиган қувончларни, ҳайратларни кўраман. Моларга қарайман. Улар фаришталарга ўхшайди. Гўё Ўзбекистон Наврўзини нишонлаш учун фаришталар ҳам тушиб келгандек. Боболар юзига қарайман. Набираларнинг шодумонлиги уларнинг белига куч-қувват бағишлаб турибди. Қизларимизнинг чиройи, ибо-нафосати байрам қўркига кўрк бағишлайди. Йигитларимизни кўринг. Парвозга шайланган бургутлардек ўктам, шиддатли. Болалар... Байрамда ҳаммамиздан ҳам кўпроқ қувонаётганлар шулар эмасми!

21 март. Соат 11. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи.Байрам майдони. Бу ердаги ҳар бир нарса катта-кичиклиги, ранги, хусусиятига кўра, бир бутунликда, мутаносибликда безатилган. Майдон улкан саҳнага ўхшайди. Ҳар бир нарса рамзий маънога эга.

Мармар фавворалардан отилаётган сув зарра-зарра сочилиб, қуёшнинг заррин нурларида товланади. Каттакичик байроқлар, кўк, сариқ, оқ, зангори рангдаги турли шарлар, узун шарлар тасмаси шамолда ҳар хил шаклга киради. Чиройли гуллар, атлас уст-бош, попукли зар дўппи кийган гуллардек чиройли қизлар байрам манзарасини безаб турибди. Қуёш тобора қиздириб, Наврўз ҳароратига ҳарорат бағишлайди. Қатор кўркам расталарда турли вилоятлардан келтирилган халқ амалий санъати намуналари. Болалар қўлида сопол ва ёғочлардан ясалган ҳар хил ўйинчоқлар. Уларнинг қувончи чексиз.

Барчага сумалак тарқатилмоқда.

Байрам даврасида эканман, одамларнинг кайфияти мени кўпроқ қизиқтиради. Ҳар хил миллий ўйинлар, Сурхондарё полвонларининг томошалари, Бухоро зардўзларининг инжа санъати акс этган буюмлар... Булар кишиларимизнинг тафаккурини кенгайтиради. Ватанни, унинг турли вилоятлари, туманларига хос бўлган санъатдан ўзига хос сабоқ беради. Зотан, Йилбошимиз шунчаки қуча айланиб келадиган байрам эмас. Ватанни ўрганиш, халқимиз маданиятидан бахраманд бўлиш, дўстлар орттириш, дийдор айёми ҳамдир.

НАВРЎЗ ДАСТУРХОНИ

Узундан узоқ, бир-биридан чиройли, дид билан безатилган дастурхонлар кўзни яшнатади. Баҳор таоми сумалак ва турли ширинликлар, миллий пишириқлар, ичимликлар, овқатлар ҳиди димоққа урилади. Барча савдо ташкилотлари, умумий овқатланиш тармоқлари жамоалари ушбу қутлуғ айём кунларида халққа беминнат хизмат қилиш учун бел боғлаганлар.

НАВРЎЗ БЕЗАКЛАРИ

Бугун айёмни кенг нишонлаш учун Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан етти иқлимга машҳур уста, ҳунарманд отахон-онахонлар ташриф буюришган.

Андижонлик Абдулҳожи Турақулов дурадгор уста, 80 ёшни қоралаб қолган. У киши ота-боболардан мерос ҳунарни бугунги кунда шогирдларига ўргатмоқда. Уста миллий ҳунармандчилик соҳасидаги ишларни халқ кўрсин деган ниятда Наврўзга олиб келган. Шогирдлар билан ҳамкорликда ясалган катта нақшиндор, беқиёс ижод маҳсули—дарвоза, равот, карнизий услубидаги буюмлар олдидан одамлар бефарқ ўта олмай, завқ-шавқ билан томоша қилишади. Шунингдек, байрам майдонини наманганликларнинг нафис санъат асарлари, кулолчилик, ҳар хил совғалари, хоразмликларнинг сув телпак, мусиқа асбоблари, Хева гиламлари, ёғоч ўймакорлик буюмлари, фарғоналикларнинг кандакорлик, заргарлик каби... хуллас турли вилоятларнинг ўзига хос амалий санъатини намойиш этувчи кўргазмалар безаб турибди.

НАВРЎЗ ДАЪВАТНОМАСИ

Майдонга Президентимиз Ислом Каримов ҳамда парламент ва ҳукуматимиз раҳбарлари келадилар. Одамлар узоқ олқишлайдилар. Юртбошимизнинг юзидан нур ёғилади. Бу нур давлатимиз раҳбарининг қалб қувватидан, келажакни ёритиб турган қалб қуёшидан таралади, десам янглишмаган бўламан. Махсус ажратилган жойда ҳукуматимиз раҳбарлари, Тошкент шаҳри жамоатчилиги вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган меҳмонлар, хорижий дипломатик корпус раҳбарлари жой оладилар.

Наврўз даъватномаси янграйди.

Сўз республика Президенти Ислом Каримовга берилади. Юртбошимизнинг табригини эшитдим. Нақадар оддий, содда, аммо юракка бехато тегувчи сўзлар! Табрик байрам кайфиятига кайфият қўшади. Бу сўзларни барча жон қулоғи билан эшитади ва кўнглига жойлайди. Президентимиз ватандошларимизга энг эзгу тилаклар билдириб турганда ёнимда ўтирган боболар, оппоқ рўмол ўраган момолар дуога қўл очиб, «илоё омин, илоё омин» деб турдилар.

Мен 1990 йил Наврўзини эслайман. Ушанда Йилбоши буюк ўзгаришларнинг бошланишидек таассурот қолдирган эди менда. Чиндан ҳам орадан икки кун ўтиб, 24 март куни Ўзбекистон халқининг ҳукуматдаги вакиллари биринчи Президентимизни сайлаган эдилар. Эҳ, у кунларнинг унутилмас таассуротлари... Кўпчилик хавотирда, энди нима бўлади, деган ўй вақимага айланиб, қанча кишиларни исканжага олганди. Собиқ иттифоқ ўзи учун ноқулай бўлган қайсар, ўжар И. А. Каримовни четлатиш, юртимизда нотинчлик чиқариб, ўзларининг ҳарбийларини киритиш учун қанчадан-қанча фитна-найрангларни ўйлаб топмади. Доно, узоқни кўрадиган, жаҳоний марраларни кўзлайдиган раҳбаримиз кўрсатган йўлдан бориб, барча тўсиқларни, иғвогарликларни енгиб ўтиб, мана шундай — бугунгидек фаровон ва дориломон кунларга етиб келдик.

Бундан етти йил аввал ҳам Ўзбекистоннинг биринчи Президентини бобо-момоларимиз худди ҳозиргидек дуо қилишган, пешонангиз ёруғ бўлсин, бизни ёруғ йўлларга бошланг, дея ният қилишган эди. Мана бугун ўша дуолар, ниятлар ижобат бўлиб, қарияларимиз Президентнинг тилакларига «илоё, омин, илоё омин» деб турибдилар. Қариси бор элнинг париси бор, дейишади. Юртимизнинг ҳам париси — иқболи ўзи билан.

... Саҳнага раққоса қизлар кўтарилади. Гул уйини намойиш этилади. Гўё ҳамма ёқни — ёру-кўкни гуллар очилиши ва хушбўйи тутиб кетади. Саҳнада раққоса қизлардан иборат «фасллар алмашади».

Оппоқ кийинган спортчи йигит-қизлар давлатимиз байроғини баланд кутариб ўтадилар. Байроғимизнинг юксак-юксакларда ҳилпирашини кўриб, қалбим ғурурга тўлади. Ўзимизнинг ўзбек йигит-қизлари мустақил давлатимиз байроғини ана шундай дадил кўтариб юришларини, эҳ-ҳе, неча-неча даврлардан буён орзу қилардик. Мустақил юртнинг бедахл байрамида эркин йигитларимизнинг озод-озод қадам ташлашлари... Эҳ-ҳе, бунинг маъноси жуда чуқур, жуда кенг. Уни ифодалаш, юракда кўзғолган туйғуларга исм топиш учун бисотимиздаги сўзларнинг қудрати етармикин!

Рўпарада байрам саҳнига қараб турган Алишер Навоий ҳайкалига қарайман. Буюк бобомиз бизга ҳавас билан қараб турибди, гўё. Бу оддий ҳайкал эмас, Ватанимиз ва халқимиз тарихига, ўлмас шеъриятга қўйилган тимсолдир. Шубҳа йўқки, истиқлолимизнинг олтинчи йилидаги ушбу тантаналар ҳам халқимиз юрагида ана шундай мангу ҳайкал бўлиб қолади. Қуйироқда, анҳорда бир маромда айланаётган чархпалак гўёки ташна кўнгилларга бахтиёр ҳаёт, тириклик сувини ичиради.

Нилуфар, лола, бойчечак каби гуллар тимсолидаги раққоса қизлар «очилади», шамолда «тебранади».

Осмонга қарайман. Ўзбекнинг осмони нақадар мусаффо ва юксак. Кўёшимиз нақадар иссиқ. Одамлардан меҳрини аямайди.

Ҳаммани ҳайратга солиб, осмонга ҳаво шари кўтарилади. Мушаклар отилади. Бободеҳқоннинг рамзий қиёфаси улкан шарда намоён бўлади. Даврага мучал ҳайвонлари, улардан ташқари баҳорда янгитдан ҳаёт бошлайдиган ҳайвонларнинг рамзи кириб келади. Осмонда чиройли парашютлар гул солиб учади. Энди майдондан баҳор сабзавотларининг рамзи ўта бошлайди.

Байрам тантаналари бутун мамлакатда баравар давом этади. Шаҳарлар, қишлоқлар, маҳалла-гузарлардаги шодиёналарга тўйлар уланади. Кунгиллар сарафроз бўлади. Наврўз қувончи дилларда давом этади. Тун ва куннинг тенглигида фалаклардан тушиб келган Ҳумо—Бахт қуши Ўзбекистонимизни мангуга макон тутиб қолади.

Шу ўринда Ватаним ва халқимни Наврўз ғавҳарлари дегим келиб қолди. Чунки бу байрамда менинг юрагимга энг қаттиқ таъсир қилган нарса ана шу икки ғавҳар бўлди. Бу ғавҳарларни Худойимнинг ўзи мангуга асрасин!

Азим СУЮН.

СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.

А.ТЎРАЕВ ва С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

24 март — Ўзбекистонда биринчи Президент сайланган кун

БИРИНЧИ БЎЛИШ САОДАТИ

СССР деб аталган ёвузлик салтанатининг 1989-1990 йиллари кўпчиликнинг эсида бўлса керак.

Ушанда СССР халқ депутатлари съезди, Олий Совет сессияси деган «томошалар» узлуксиз давом этар, демократия тушунчасини бошбошдоқлик деб англаган халқ депутатлари бирин-кетин минбарга чиқиб, оғзига келган гапни сайрар, олдин Горбачев, кейинчалик унинг «содиқ» дўсти Лукъянов бу «бозор»ни зўрга бошқарар эди...

Тўғрисини айтсам, ўша даврни эсладиму, кўнглимга оғир бир тош чўкди. Чунки, Фарғона фожиаси ўша пайтда бошланган, бу ўта жиддий воқеани «қулупнай жанжали» деб бир кулгига қолган бўлсак, гдлянчилар сингари ташқи душманларни-ку, қўя турайлик, «ўзингдан чиққан балога қайга борарсан даъвога», деганларидек, ўзимизнинг чаққон калтафаҳмларимиз бутуниттифоқ телевидениеси орқали, ўзбек халқининг устига мағзава ағдарадиган ҳужжатли ва бадиий фильмларни кетма-кет намойиш килиб тургани туфайли иккинчи бор кулгига қолган эдик.

Ўзбекистондан олинган ҳар қандай хабар, Ўзбекистон ҳақидаги ҳар қандай гап депутатларда ё кулги, ё ижирғаниш уйғотарди...

Ана шу пайтда Ўзбекистонда яна бир воқеа юз берди. Бу воқеа ҳам қандай қутиб олинганидан хабаримиз бор — телевизорда депутатларнинг юзидаги киноямуз «табассуми»ни кўрганмиз, ана шундай киноямуз гапларини эшитганмиз.

Ўша пайтда Ўзбекистонда юз берган ҳамда кўпчиликни лол қилиб қўйган воқеа, ҳақиқатан ҳам, тарихий эди. Яъни, биринчи марта Президент лавозими таъсис этилиб, биринчи Президент сайланган СССР таркибидаги шунисига аҳамият беринг: ҳали СССР таркибидаги Ўзбекистон Олий Кенгаши мисли кўрилмаган иш тутади: республикада президентлик лавозимини таъсис этиб, Ўзбекистоннинг биринчи президентини сайлайди. Бу воқеа 1990 йилнинг 24 мартида содир бўлган эди.

Бугунги кунда Россиянинг кичик-кичик республикалари ҳам ўзининг Президентига эга бўлгани учун айримлар, хусусан ўша давр иқлимидан бехабар ёшлар бу гапга, ҳа, нима бўпти, бу — табиий ҳол экан-ку, қабилида бепарво қараши мумкин, албатта.

Орадан ўтган қисқагина муддатда жуда кўп нарса, жумладан жуда кўп тушунчалар ҳам ўзгариб кетди. Бугунги кунда табиий бўлиб кўринаётган воқеа-ҳодисалар, ўша пайтда қандай таассурот уйғотгани, қандай мураккаб ва чалкаш чиғириқлардан ўтганини англайман, деган киши ўша давр ҳавосидан жиндай нафас олган бўлиши керак.

Хуллас, Ўзбекистоннинг бундай «ўзбошимчалиги» СССР деган қудратли давлатнинг олий органи, олий доираларини дафъатан бироз гангитиб қўйгани ҳам ҳақиқат. Кўпчилик, хусусан сиёсатчилар бу ишга болалик бебошлиги тарзида қараб, заҳархандалик билан жилмайиб қўйган бўлса, олий доира вакилларининг жиғилдони қайнагани ҳам рост. Бунинг сабаби — Ўзбекистон Президенти лавозимига сайланган киши — Ислом Каримов илгари ҳам уларнинг кўнглига унчалик ўтирмас, ўзининг улар мутлақо кутмаган қарашлари, талаб ва таклифлари билан кўпчиликнинг оромини бузгани бузган, эҳтимолки, кўнгилларига қандайдир ғулғулалар ҳам ташлагани ташлаган эди...

Мен, тўғриси, Президент бошқаруви билан парламент бошқаруви ўртасидаги фарққа тушунмас, Горбачев Олий Совет Раислигидан Президентликка сайланганида ҳам буни шунчаки, хўжакўрсинга қилинаётган иш, хорижий давлатларга тақлид, деб ўйлаган эдим. Кейинчалик собиқ Иттифоқ ҳудудидаги республикаларда содир бўлган воқеалар бу масалага бўлган нуқтаи назаримга анча ойдинлик киритди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон биринчи бўлиб ўз Президентини сайлади. Бу — бошланиши эди, холос. Ўзбекистон кейинчалик ҳам жуда кўп масалада биринчилардан бўлгани ҳаммага маълум.

Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ўз мустақиллигини эълон қилди.

Ўзбекистон тарихан янги шароитда, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларда дадиллик билан ҳеч кимникига ўхшамайдиган, унинг ўзигагина хос бўлган йўлни танлади.

Ўзбекистонда бирданига тинчлик, миллатлараро тотувлик, барқарор вазият ўрнатилдики, бу вазият бугунги кунда кимнингдир ҳавасини, кимнингдир ҳасадини қўзғашидан ташқари, мамлакатимиз эшигини жаҳонга очиб қўйди. Бу эшикдан тинимсиз равишда сармоялар оқиб келаётгани, улар эртанги фаровон ҳаётимизнинг кафолати экани кўпчиликка аён.

Ўзбекистонда ўтиш даври қийинчиликлари рўкач қилинмасдан, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда: республикамиз шаҳар ва қишлоқларида беш йил ичида тикланган иншоотлар, ободончилик суръати, сифати ва кўламини яқин тарихимиз билмаса керак.

Ўзбекистон шу қисқа давр ичида ўрага кўмиб ташланган тарихини тиклаб, тозалаб, асл ҳолига қайтара олди, ўзбек халқи нафақат букчайган белини, эгилган қаддини ҳам ростлай олди.

Ўзбекистон МДҲ давлатлари ўртасида биринчилардан бўлиб ўз Байроғи, ўз Герби, ўз Гимнига эга бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда бошқа кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар аъзолигига қабул қилинди.

Бу ишларнинг барчаси бошида ўшанда кўпчиликни мувозанатдан чиқариб юборган ҳодиса сабабчиси — Ўзбекистон Президенти, ўзбек халқининг ҳақиқий етакчиси тургани сир эмас, албатта.

Ўзбекистон бугунги кунда ўз етакчиси сиймосида жаҳондаги энг улкан минбарларга чиқиб, оламшумул масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон...

Ўзбекистон, унинг жаҳон майдонида тутган ўрни, мавқеи хусусида гапириб адо қилиш қийин.

Шунинг учун яна гапнинг бошига қайтайлик.

Халқимизда: «Ҳолингга боқ — ноғора қоқ», деган доно мақол бор. Ушанда, бундан етти-саккиз йил бурун ўз ҳолини билмасдан ноғора қоққанлар бугун ўша гапларини, ўша киноямуз табассумларини эслармикан?

Шу ўринда рус халқининг: «Охирида кулган кишининг кулгиси ҳақиқий бўлади», деган мақолини ҳам эслатиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман. Ҳамда бугун не аҳволда эканини билмайману ушанда кулган жаноблларга: «Охирида кулган ким бўлди?» деб савол бергим келади.

Ўзбекистонда Президент лавозими таъсис этилган тарихий кун арафасида ана шу фикрлар хаёлимдан кечди.

М. ХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Хатлар, хатлар, хатлар

ҲАЁТДАН УЗИЛИБ ҚОЛМАНГ...

Вилоят марказларида бир неча йилдан бери тижорат каналлари ишлаб турибди. Тошкент шаҳрида ҳам февраль ойининг охирларидан эътиборан янги хусусий телеканал бўлган «30-канал» ўз кўрсатувларини бошлади. Ушбу канал орқали чет эл фильмлари, телесериаллар, видеоклиплар ва реклама намойиш қилинмоқда. Бироқ, мазкур телеканалдаги барча кўрсатувлар рус тилида бўлиб, давлат тилида кўрсатув йўқ. Кўп ҳолларда эса параболик антенналар ёрдамида асосан Росиядаги хусусий телеканаллар дастуридаги телесериаллар олиб кўрсатилмоқда.

Шу ўринда бундан бир неча ой муқаддам Қозоғистон давлат телевидениеси орқали берилган бир кўрсатув ёдимга тушди. Унда «Нима учун Алмати шаҳридаги хусусий телевидениелар кўрсатувлари фақат рус тилида олиб бориляпти, реклама берувчи фирмалар нега ўз рекламаларини қозоқ тилида кўрсатилишини хоҳламаяптилар?» деган муаммо кўтарилган эди. Энди мазкур муаммо Ўзбекистон пойтахти аҳолисининг ҳам бошига тушмоқда.

Энди Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган кабель телевидениелари фаолиятига бир назар ташласак. Уларнинг аксарияти ўзга давлат — Россиядаги давлат телевидениеси ва хусусий телеканаллари дастурларини олиб кўрсатишяпти. Кабель телевидениеларининг видеофильмлар намойиши дастуридан ўрин олган фильмларнинг ҳам ҳаммаси рус тилида. Бундай аҳвол давом этаверадиган бўлса, давлат тилини ўрганишга бўлган эътибор сусайиши, мамлакат пойтахти аҳолисининг катта қисми Ўзбекистонда рўй бераётган сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётдан узилиб қолиши мумкин.

Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ.
Тошкент шаҳри.

ҚАЕРДА ДАМ ОЛАМИЗ?

Ҳурматли таҳририят!

Самарқанддаги тарихий обидаларнинг қадр-қиммати ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Чўпонота манзили ҳам ана шундай — усти очиқ музейлардан. Бу ерда Амир Темур бобомиз жуда ажойиб боғлар яратганлар. Қадимий боғ этагида бундан 15 йил аввал вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, генерал Отамурод Муҳаммадиев ташаббуси билан милиция ходимлари учун «Зарафшон» санаторийси қурилганди. Бу қурилишда бутун вилоят ички ишлар ходимлари иштирок этишди. Санаторий эндиликда қўшни республикаларда ҳам машҳур. Чунки бу ерда саломатликни мустаҳкамлаш, ҳордиқ чиқариш учун барча шароит бор. Энг муҳими — ҳавоси, табиати шифобахш. Шу боисдан, бутун республикамиз вилоятларидаги ички ишлар органлари ходимлари айнан шу ерда дам олишни хуш кўрадилар.

Кейинги бир йил ичида «Санаторий касалхонага айлантирилармиш» деган гап чиқиб қолди. Айни кунларда вилоят ички ишлар бошқармаси санаторий бўлими (поликлиникаси)ни шу ерга кўчириш тадбирлари кўрилмоқда. Раҳбариятга бу иш нотўғри эканлигини тушунтирдик — лекин, ғишт қолипдан кўчган шекилли, муносабат ўзгармаяпти.

Мазкур мавзуда тармоқ газетасида ҳам чиқиш қилиниб, масаланинг моҳияти айтилган эди, бироқ иш — ўша-ўша.

Авваламбор, ички ишлар органлари ходимлари тиббий кўрикдан ўтиши учун санаторий узоқлик қилади. Иккинчидан, катта меҳнат эвазига қурилган оромгоҳни йўқ қилишдан нима фойда? Қолаверса, илгаригидай бошқа ҳудудларга бориб дам олиш қийинлашган бир пайтда, ўз юртимизда шифобахш ҳавоси, суви бўлган дам олиш масканларини қўпайтирган маъқул эмасмиди?

Зиё СУЛТОНОВ,
Неъмат МАТЛУБОВ,
истеъдодаги ички ишлар ходимлари.

ЖАҲОНИЙ ШОДЛИКЛАР ЙИҒИЛДИ БУ КУН

ЖИЗЗАХ. Севимли Наврўз ҳар бир хонадонни файзу-баракага, ҳар бир қалбни яхшилик ва меҳр-мурувватга тўлғазиб кириб келди. Вилоят туманларидан, шаҳар ва қишлоқларидан байрам тантаналарида қатнашиш учун вилоят марказидаги «Ўрда» маданият ва истироҳат боғига тўпланган кишилар кайфиятидан, қувонч-шодликларидан ҳам ана шу маънони уқиш мумкин эди.

Халқимизда «Бирлашган — ўзар», деган ажойиб нақл бор. Жиззах вилоятида салкам 40 миллат ва элат вакиллари яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Вилоятда нишонланган бу йилги Наврўзнинг асосий мазмун-моҳияти бирлик, қардошлик ва дўстликни ифодалади. Байрам тантаналарида ёзилган умумхалқ дастурхони атрофида, гаштли сумалак сайлларида шу инсоний туйғулар ҳақида дилкаш гаплар бўлди.

Вилоят меҳнаткашлари билан байрамни нишонлаш учун қардош Қозоғистон ва Марказий Осиёнинг бошқа республикаларидан қадрли меҳмонлар, юртимизнинг таниқли адабиёт ва санъат намояндалари ташриф буюрдилар.

Вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Шавкат Мирзиёев меҳнаткашларни умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этди. Ўзбекистон Халқ шоири Эркин Воҳидов вилоят аҳлига қутловини шеърий мисраларда изҳор этиб, бу йилги ишларида ва шахсий ҳаётларида зафарлар тилади.

Зўр шоду хуррамлик билан нишонланаётган Наврўз тантаналари вилоят туманлари ва қишлоқларида давом этмоқда.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАЙЗЛИ АЙЁМ

Дунёда байрамлар кўп. Аммо, муқаддаслиги билан ажралиб турадиган байрамлар саноқли. Наврўзга алоҳида меҳр, эътиборни эса баҳоси йўқ. Тун билан кунг тенглиги, борлиғу дилларнинг уйғонишн... Бундай уйғунлик ҳеч бир айёмда бўлмас. Ҳар гўшаю гузар, қишлоғу шаҳарда ўзгача тароват, файз...

Пойтахтнинг 1-клиник шифохонаси ҳовлисида таралган карнай-сурнай садолари ҳам Наврўз тантанасидан дарак бериб, янгради. Тўкин дастурхон-узра йиғилганларни бош шифокор Мурод Қодиров «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси, профессор Нозима Деҳқонхўжаева, Чилонзор тумани прокурори Мурод Солиҳов, таниқли шоир Нормурод Нарзуллаев айём билан табриклаб, баҳорий кайфият тиладилар.

Ўзтелерадиокомпаниясининг яккахон хонандаси Холмурод Зарипов ва сўз устаси Ботиржон Асқаровларнинг чиқишлари байрамга ўзгача руҳ бағишлади.

Хайрулло АБДУЛЛАЕВ.



СУРАТДА: шифохонадаги байрам тантанасидан лавҳа.

НАВРЎЗ ШУКУҲИ

НАВОИЙ. Мустақил республикамизнинг барча жойларида бўлгани каби Наврўз тантаналари вилоят маркази Навоий шаҳрида ҳам янада шукуҳли, янада файзли ўтди. Кўпмиллатли бу шаҳар марказий хиёбони, маданият ва истироҳат боғи, ёшлар кўли навоийликлар билан тўлиб тошди.

Кўп ўтмай хиёбонда Наврўз тантаналарига бағишланган табрик ва қутлов митинги бўлиб ўтди. Уни Навоий шаҳри ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Б.Ҳамдамов очди. Сўнгра вилоят ҳокимининг биринчи муовини Ж. Ризаев йиғилганларни Наврўз шодиёналари билан қизғин табриклади. Табрикдан сўнг миллий ўйинлар, тансиқ таомлар кўрик танловлари бўлиб ўтди. Навбаҳор, Навоий, Хатирчи, Қизилтепа туманларида ўтказилган байрам тантаналари ҳам шомгача уланиб кетди.

Наврўзга бағишлаб Хатирчи туманида ўтказилган тантаналарда иштирок этган вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Ҳ. Ғаффоров айём куни 100 ва ундан ортиқ ёшни яшаган кўплаб пиру-бадавлат отахон ва онахонларнинг уйларига бориб совға-саломлар улашди, ногиронлар ва бева-бечоралар ҳолидан хабар олди.

Байрам тантаналари, шунингдек, олис чўл туманлари — Конимех, Нурота, Учқудуқ ва Томдида ҳам зўр кўтаринки кайфият билан нишонланди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Нур борки, соя бор

ТИЛУ ДИЛ ОРАСИДАГИ МАСОФА

Мен Сизни илк бор моддий ва маънавий бойликларимизни ҳимоя қилишга бағишланган эътиборли бир йиғилишда кўрган эдим. Қайси ташкилотдан вакил эканлигингиз, ким номидан сўзлаганингиз ёдимда йўқ. Аммо «Кўз қорачиғи — бу инсоннинг керакдан ҳам кераги. Шунинг учун «кўз қорачиғидай ҳимоя қиламан» деган ваъданинг бор шарафи, оғирлигини гарданига олиб айтади. Мард одам айтади. Эҳтимол, менинг ҳаёт мезонларим шу тўхтамга суянгани учун Сизнинг ўша гапингизга диққат қилгандирман. Орадан кўп ўтмади, мен Сизни яна учратдим... Поездда эдим — бир бекатга келганда, ҳамкасбим таъбири билан айтганда, қоп кўтарган аёллар безовта бўлиб қолишди. Қопларини сал сиқиштириб ихчамлаштирганга ўхшашди. Уларга ўхшаш иш қилиб юрган эркаклар эса пинак бузмади, «ҳа, оладиганини олса, тинчийди», дейишди.

Мен гап нима ҳақда кетаётганини англаб улгурмасимдан вагонга Сиз кириб келдингиз — чиройли либосингизда давлат божхонасига тегишли ходим эканингизни дарақловчи белги... Кўринишингиз жиддий, овозингиз салобатли; «Қани, яна Ватанимизнинг қайси бойликларини четга олиб чиқиб кетяпсиз, меҳнаткашларнинг оғзидаги ошига чанг солаяпсиз?» — дедингиз. ...Мен ҳозироқ шу каттакичик қопларнинг сири очилишини, кўзингизга қараб турган шу одамларнинг қай бири ноқонуний мол олиб чиқиб кетаётган бўлса, мулзам бўлишини кутдим.

...Аммо улар «Яхшимисиз?» дея сўрашган бўлиб чаққонроқлари чўнтагингизга, бундоқроқлари қўлингизга пул қистиришди. Сиз териб олдингиз-да, уларга оқ йўл тилаб, кейинги вагонга йўрғаладингиз, изингиздан «Ҳайрият, осон қутилдик» дейишмади, «Бундай қилиб топганинг буюрмасин» дейишди...

Менинг кўз олдимда эса мажлисда айтганингиз «кўз қорачиғидай асрайман» деган жумлангиз чил-парчин бўлиб синди, майда-майда бўлди...

Тақдирни қарангки, мен Сизга яна дуч келдим, қаерда денг — ҳунар-техника билим юртида. Бу ҳунар-техника билим юрти энг замонавий касбларга ихтисослашган эди. Биз беш-олти қаламкашлар талабалар билан учрашувга боргандик. Сиз раҳбарлардан бири эканисиз. «Божхона ходими қандай» қилиб бир юмалаб, билим юртига раҳбар бўлиб қолди?» деб ҳайрон бўлиб ўтирмадим, ахир, ҳаётда ҳар хил мўъжизалар содир бўлиши мумкин. Ҳайрон қолган жойим шу бўлдики. Сиз учрашувимизда яна нутқ сўзладингиз, овозингиз ўша-ўша — масъулиятли, ишонтирувчи. «Ёшлар — бизнинг келажагимиз. Уларни ҳалол, пок қилиб тарбиялаш учун бор кучимизни аямаймиз», — дедингиз. Бу гапингизга ҳам кимлардир мафтун бўлгандир, менга малол келди, оғриндим. Барибир ич-ичимда: «Балки, тойиб, тавбасига таянгандир», деган умид ҳам бордай эди.

Сўнг... бизга талабалардан саволлар тушди, таклифлар, талаблар. Дид билан, саводли ёзилган бир хат диққатимни тортди: «...га ишонманг, унинг тили бошқа, дили бошқа. Мени ўқишга қабул қилиш учун отамдан пул олган, деган ёзув бор эди қоғозда. Бир хаёлим шартта ўрнимдан туриб «хатни ўқи», деди. Шайтонга ҳай бердим — талабанинг тақдирини ўйладим, яширмайман, ўзимнинг ҳам. Ботирликнинг баҳоси баъзан жуда қимматга тушиб кетади — ютадиганинг ютқазганнинг олдида ҳеч бўлиб қолади.

...Мен Сизни бошқа кўргим келмаган эди. Кўрмасам дегандим. Аммо йўллар менинг хоҳишимга кулоқ солмас экан. Сиз билан дуч келтираверди.

Бизга шикоят билан бир аёл келди — у ахлоқ-одоб, маънавият билан шуғулланувчи бир маҳкамада фаррош бўлиб ишлар экан. Турмуш ўртоғи хасталаниб, бироз қийналишибди, янги келган бошлиғига ёрдам сўраб, мурожаат қилибди. «Ўзи шеригим айтган эди, ундан бир ёруғлик чиқиши қийиндир-ов, дуруст одамга ўхшамайди —деб. Мен ўлибдими, шундай ажойиб гапларни гапирадиган одам... дебман» — дейди Аёл.

Хуллас, бошлиқ унга бошқача ёрдам бермоқчи бўлибди. Эвазига ҳар замонда бир кўнгилни олиб қўясиз, деган таклифни айтибди.

Аёлнинг кўз ёшлари тизим-тизим: Биз имконимизда бор ёрдамни беришга ваъда қилиб Аёлга тасалли бердик. Ўша куни Мен сизнинг радиодаги «нутқ»ингизни эшитдим, энди исмингиз, фамилиянгизни билардим, иш жойингиз эса яна ўзгарибди — бояги аёл айтган ташкилот, аёл айтган раҳбар Сиз экансиз. Радиода эса шунақа зўр интервью бердингизки, эшитган одам Сизни танимаса сўзсиз ишонади, сизга замондош бўлганидан суюнади, бир кўрсам деб орзулайди... Эссиз... кўрганлар, билганлар эса... билмадим, жуда нари борса Менга ўхшаб хат ёзади.

Аслида Сиз ҳам менга бегона эмассиз — қош-кўзимиз, сўзимиз бир хил... Сизнинг мана шу юришингиз мени нафратлантирмайди, азоблайди.

Нега менинг бобомнинг ўғли (балки қайсидир бобомиз биттадир) — эр йигит бу қадар субутсиз, унинг тили билан дили орасида ётган масофа бунча узоқ, деган саволлар юрагимга тиғдай санчилаверади.

Айтган чиройли сўзимиз амалимизга рост келмагунча ҳаётимиз ўнгланмаслигини билмайсизми? Мунофиқлик худога ҳам, бандага ҳам хуш келмаслигини сезмайсизми?

Сўзнинг амали бўлмаса, уни Ёлғон дейдилар. Ёлғон — суяксиз нарса, унга суяниб, тик туриб юриб бўлмайди, қулаб кетасиз.

Ҳозирча тойиб-тойиб юрибсиз, қуласангиз... ёмон бўлади — синасиз. Сизга эса барибир, бу Тақдирни раво кўрмасдим, тазарру истардим.

ҚУТЛИБЕКА.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ҚАЙСИ ТИЛНИ ЎРГАНГАН МАЪҚУЛ?»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил 25 февраль)

Мазкур мақолада кўтарилган муаммо ҳақиқатдан ҳам эътиборга лойиқ. Ҳозирги кунда республика умумтаълим мактабларида, чет тиллари дарсларини 2 гуруҳга бўлиб ўқитилишини ҳисобга олганда, таълим муассасаларининг чет тили ўқитувчилари билан таъминланганлиги 65,2 фоизни ташкил қилади. Яъни, республика бўйича чет тили мутахассисларига эҳтиёж мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда кўпгина хорижий давлатлар билан қўшма корхоналар ҳамда чет давлатларнинг турли марказлари ташкил этилиши, шунингдек хорижий давлатларнинг элчихоналари очилиши муносабати билан чет тили мутахассисларига бўлган талаб кучайди. Бунинг натижасида умумтаълим мактабларида ҳам чет тили мутахассисларига бўлган эҳтиёж янада сезиларли бўлмоқда.

Шунга қарамай вазирлик республика таълим муассасаларини чет тили мутахассислигига бўлган эҳтиёжини қоплаш чораларини кўрмоқда. Чунончи, вазирлик билан келишилган ҳолда Америка Қўшма Штатларининг Тинчлик корпуси волонтерлари республикамизнинг турли вилоят умумтаълим мактабларида инглиз тилидан дарс бермоқда. Бундан ташқари вазирлик Германиянинг Гёте институти, Британия Кенгаши ва бошқа давлатлар билан таълим соҳасида ҳамкорлик қилмоқда.

«Қайси тилни ўрганган маъқул» деган саволга жавобан шуни айтиш мумкинки, хорижий тилларни ўрганиш ижтимоий ҳаётнинг йўналиш ва эҳтиёжларидан, ўқувчилар ва ота-оналарнинг истак ва хоҳишлари, жамоатчилик ҳамда ҳозирги бозор муносабатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда.

Г. АЛИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи.

UZ-DAEWOO UZ-DAEWOO AUTO CO.

Азиз юрондошлар!

"ЎзДЭУ Авто"—Марказий Осиёда ягона, замонавий енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи компанияси—Сизларни қўҳна ҳамда доимо навқирон қутлуғ айём—

Наврўзи олам

билан қизғин муборакбод этади!

"ЎзДЭУ Авто" компанияси ушбу муборак янгиланиш айёми мустақил Ўзбекистонимизнинг барча фуқаролари ҳамда хонадонларига қувонч, бахт, тансиҳатлик, янгидан-янги улкан ютуқлар ва қут-барака келтиришини сидқидилдан тилаб қолади!

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

БОЗОРДАН БАРАКА ҚОЧГАНДА...

• Машҳур Қорасув бозори нега ҳувиллаб қолди?
• Ҳоким ҳокимми ё оддий томошабин?
• Божхона постлари хўжакўрсингами?

Бозор ношуд ва лапашангни, лақма ва дангасани ёқтирмайди. Сал анграйиб қолган киши оғзидаги ошини ҳам олдириб қўяди. Қорасувлик раҳбарлар ҳақида ҳеч иккиланмай шундай деявериш мумкин...

Андижон вилоятидаги бу шаҳар Қирғизистоннинг Ўш вилояти билан чегарадош. Илгари бу ерда чунонам катта бозор бўлардики, таърифига сўз ожизлик қиларди. Марказий Осиёнинг ҳамма жойидан, ҳатто хориждан ҳам савдогару тижоратчилар келиб савдо-сотиқ қилишарди. Қорасув деса ҳамма тўкинсочин бозорни тушуниши ҳам муболаға эмас. Бозоржой торлик қилганидан шаҳар кўчалари, ташкилот ва идораларнинг ҳовлилари, ҳатто ҳокимиятнинг чор-атрофи ҳам бозорчилар билан гавжум бўларди. Ана шундай фаровон кунларнинг бирида қорасувлик тадбиркор Абдушукур ака Ашуров одамларнинг мушкулини янаям осон, узоғини яқин қилишни ўйлади. «Кел, куч-қувватим борида бир савоб иш қилай, элнинг дуосини олай» деди. Шаҳар раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, қаровсиз, фойдаланмай ётган ердан беш гектарини ажратиб, бозор қуришга киришди. Қисқа муддатда бинойидай бозор барпо бўлди. Бошқа тадбиркору тижоратчилар ҳам бир чеккада томошабин бўлиб қолишмади. Бири хусусий дўкон қурди, бири бозорга яқин жойдан кичик корхона очди, яна бири ошхона бунёд қилди. Хуллас, ҳар ким баҳоли қудрат ҳисса қўшди. Бу ишларни четдан бориб кўрган киши «Э, ана энди Қорасувда ҳақиқий Жаҳон бозори бўларкан-да» деб ҳайратга тушди. Абдушукур аканинг ҳам қувончи терисига сиғмай юрганди, аммо...

Аммо, кўз тегди. Ҳа, ҳа шундоқ, гуриллиб, гувиллаб бошланган бозорга кўз тегди. Айрим қилмиши қинғирларга, олибсотарларга, енгил-елпи йўллар билан мўмай даромад топишга муккасидан кетганларга бозордаги мавжуд тартиб-қоидалар ёқмай қолди. Қарашсаки, шундоқ-қина Қорасувнинг нариги соҳилида қирғиз биродарларнинг бозори бўш турибди. У томонда ҳеч кимнинг мушугини пишт дейишмаяпти. Бемалол савдо-сотиқ қилса бўлаверади: фақат ўртадаги ҳар икки давлатнинг божхона постларидан омон-эсон ўтиб олишса, бас.

Бизнинг шу кунларда тенгани сомга, сомни сўмга уриштириб, ундан олиб бунга сотиб кун кўриб юрганлар ҳам йўқ эмас. Бу тоифадагиларни ҳам енгил-елпи йўллар билан пул топишга ўрганиб қолган, деб атасак хато қилмаймиз. Хуллас, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрадиганларнинг барчаси нариги томондаги бозорни «обод» қилишга киришишди. Ўзлари камлик қилгандай бошқаларни ҳам ортларидан эргаштиришди.

Андижоннинг Қорасуви кўп ўтмай ҳувиллаб қолди. Ҳамма ўзини Қирғизистон бозорига урди. Демак, божхона мустаҳкам эмас экан-да, дерсиз. Биз ҳам «Туротали» бозорини курганда ялт этиб хаёлимизга шу фикр келди. Нега дейсизми? Энди биз айтмайлик, сиз эшитманг, бозорни курганимиздан бери еган- ичганимиз юқмай юрибди. Ишонасизми, «Туротали» бозорини обод қилган ўзимизнинг юртдошлар! Маҳсулотнинг 80-90 фоизи Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган. Самарқанднинг кўк ва қора чойлари, Наманганнинг шойилари, Андижоннинг газламалари, Тошкентнинг читлари, «Қибрайнинг «Кока-кола»лари, усимлик ёғи, совун, маргарин, «Ўзсаламан» туфлилари, болалар трикотажи — хуллас ҳаммасидан бор!

— Ҳар куни «Туротали» бозорига 300-400 автобусда, 700-800 енгил машинада юртдошларимиз ўтиб, савдо-сотиқ қилишади. Бир неча миллионлаб пулларимизни Қирғизистонга ташлаб қайтишади, — дейди алам билан Абдушукур ака.

Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, биргина патта сотишнинг ўзидан тушаётган фойда ойига 150-200 минг Америка долларини ташкил қиларкан. Хўш, бу фойда олти ойда қанча бўлади, бир йилда-чи? Соддароқ қилиб ҳисоблайдиган бўлсак, борингки, ҳар ойда 200 минг эмас 150 минг доллардан бўлганда ҳам ўн ойда 1,5 миллионни, бир йилда эса 1 миллион 800 минг долларни ташкил қилади. Афсуски, бу пуллар бизнинг юртдошларимизнинг ҳамёнига тушаётгани йўқ. Аслида Андижоннинг Қорасувини обод қилиши, шаҳар ҳокими Муроджон Шерматовнинг дастини узун, шаҳар солиқ назорати раҳбари Расулжон Отабоевнинг режаларини 4-5 бараварга кўпайтириши мумкин эди-ку! Ана шуниси бизга алам қилди-да. Ҳали бу хомаки ҳисоб-китобга қанчадан-қанча киши таом пишириб, яна қанчаси писта сотиб, чой ташиб, юк ташиб тирикчилигини тузуккина йўлга қўйиб олгани кирмаган. Ахир, бежиз «Бозори обод юртнинг эли тўқ яшайди» деб айтишмаган!

— Шу йилнинг бошида 800 дан кўпроқ патенти бор тадбиркорлар бозоримизда савдо-сотиқ қилишарди, — дейди Ўзбекистон ҳудудидаги Қорасув деҳқон бозорининг раҳбари Одилжон Ҳамидов. — Ҳозирги кунда уларнинг сони икки юзга етар-етмас. Бозорга солиқчи ёки бошқа бирор текширувчи ораласа. тамом деяверинг, ойлаб барака қочади. Масалан, ўтган йилнинг 19 октябрь куни Тошкентдан ва вилоятдан солиқчилар келиб, бозордагиларнинг ҳужжатларини текширишди. Шунинг таъсири ўн кунгача сезилди.

Бозордан барака қочганлиги Қорасув шаҳар ҳокимиятини ҳам ташвишлантирмоқда. Шунинг учун ҳам ҳоким Муроджон Шерматов раҳбарлигида саъй-ҳаракатлар бўлди. Бироқ, бу ҳаракатлар астойдил бўлмаганлигидан чиқарилган фармойишлар бажарилмай қолаверди. Масалан, 1996 йилнинг 26 октябрида 74-ф рақами билан «Шаҳар деҳқон бозоридан маҳаллий бюджетга тушадиган солиқларни бозорни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига йўналтириш тўғрисида» фармойиш эълон қилинди. Унинг 2-бандида шундай сатрлар бор: «Шаҳар давлат солиқ инспекциясига деҳқон бозоридан маҳаллий бюджетга тушадиган солиқларни жорий йилнинг якунида йил якуни бўйича тушумини назорат қилиш юклатилсин». Бу — солиқ инспекцияси ходимлари ҳадеб бозор оралайвермасин, йилнинг охирида бозор маъмурияти тушумни ўтказиб беради, дегани. Бироқ, фармойиш фақат қоғозда қолиб кетди.

Муҳтарам газетхон, агар сезган бўлсангиз биз Қорасувдаги иккинчи, яъни деҳқон бозори ҳақида мулоҳаза юритяпмиз, чунки, қирғиз дўстларимизнинг «Туротали» улгуржи бозори билан беллашадиган бозорнинг ўзи бериги томонда йўқ.

— Бозорни мажбуран қилиб бўлмайди, — дейди ҳоким Муроджон Шерматов. — Агар «Туротали» бозоридаги гавжумлик, серобчилик бизда ҳам бўлса, шаҳар бюджетига катта мадад бўларди. Пул эмиссияси камайган, банкларимизда нақд пул кўпайган, бунинг натижасида фуқаролар нафақаларини ва маошларини ўз вақтида оладиган бўлишарди. Афсуски, ҳозир ҳеч иложи топилмаяпти.

Аслида ҳоким ўз ҳудудида ҳақиқатдан ҳам ҳоким бўлиши керак эди. Яъни, шаҳарни бойитиб юбориши мумкин бўлган имкониятларни қўлдан чиқармаслиги, ақл ва тадбиркорлик билан иш юритиши лозим эди. Афсуски, шу ўринда ҳоким «Ҳеч иложи топилмаяпти» деб томошабин қаторига ўтиб олган.

— «Туротали» бозорида асосан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилмоқда. Ҳолбуки, бу маҳсулотлар ўзимизнинг истеъмолимизда ҳам тақчил. Бу хилдаги маҳсулотларнинг четга чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида ҳукуматнинг махсус қарори бор. Ана шу қарорнинг ижросини таъминлаш учун божхона постлари қўйилган-ку, Қирғизистон ҳудудига булар қандай ўтиб кетяпти? — сўраймиз ҳокимдан.

— Тўғри, божхона постлари ҳар иккала давлат томонидан ҳам қўйилган. Лекин ўнлаб йўллар мавжуд. Ҳаммасини бекитишнинг иложи йўқ-да...

Энди кишини ажабланти-радиган бир савол: ўз халқимизга керакли бўлган маҳсулотлар барибир чегарадан ўтиб кетаётган экан, унда божхона постлари хўжакўрсинга турибдими? Шу божхона постларида хизмат қилувчиларни нима учун давлат маош ва маълум бир имтиёзлар билан таъминлаяпти? Биз давлат божхоначилари баъзан савдогарлар билан келишиб иш юритяпти, шахсий манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўйишаяпти, дейишдан ўзга сўз тополмаймиз. Чунки, бу гапни айтиш учун бозор асос бўлади. Лекин, республика Давлат солиқ қўмитаси раҳбарлари жиддий урганса арзийди бу ҳолни. Зеро, бошқа давлат ҳудудига ўтиб кетаётган маҳсулотларимиз, охир оқибатда иқтисодимиз кўраётган зиён оддий фуқароларни ҳам ташвишлантиряпти.

Республика Марказий банки раҳбарлари ҳам Қорасув бозори атрофидаги гапсўзларни бир таҳлил қилиб кўришса ёмон бўлмасди. Негаки, улар миллий валютамизнинг бошқа мамлакатга сувдай оқиб кетаётганига хайрихоҳ бўлишмаса керак, ҳар ҳолда.

Қорасувлик раҳбарлар ўз бозорларининг хонавайрон бўлишига йўл қўйиб қўйган, тадбиркор ва савдогарларимиз бошқа давлат бозорига оғиб кетишаётган экан, демак ўйласак, мулоҳаза қилсак, чора-тадбир белгиласак арзийди. Қорасув шаҳар ҳокимлиги ҳамда солиқ назорати ҳам бозорнинг Қирғизистон ҳудудига ўтиб кетгани туфайли республикамиз иқтисодига тегаётган зарарларни бир ҳисоб-китоб қилиб кўришса ёмон бўлмайди.

— Ўз бозоримизни обод қилиш, аввалги шуҳратини тиклашга қаратилган таклифларим бор, — дейди ҳувиллаб ётган хусусий бозор раҳбари Абдушукур ака Ашуров. — Биринчидан, бозорга яқин жойдан келаётган автобуслар ва енгил машиналар учун вилоятлараро шоҳ бекат қуриш керак. Буни қурадиган тадбиркорлар кўп. Иккинчидан, маҳаллий шоҳбекат билан қуриладиган вилоятлараро шоҳбекат ўртасидаги 40 метрли масофани бирбирига туташтириб, ҳар икки бозор ўртасига пиёдалар қатнайдиган йўлакча қуриш ҳамда айланма автобус қўйиш керак. Учинчидан, республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 август куни қабул қилган 279-қарорининг ижросини қаттиқ назорат қилиш лозим. Агар бозоримиз обод бўлиб кетса шаҳримиздаги мактабларга, болалар боғчаларига, шифохоналарга, ногиронлар ва фахрийларга қўлимдан келганича ёрдам берардим. Менга энди савобдан бошқа нарса керак эмас...

Абдушукур ака-ку бир тадбиркор инсон, савобталаб юртдошимиз. Бироқ, Қорасув бозорининг бўшаб қолишига, қанчадан-қанча миллий валютамизнинг, маҳсулотларимизнинг четга чиқиб кетаётганига шаҳар ҳокимининг, вилоятдаги мутасадди раҳбарларнинг бепарво қараб туришини қандай изоҳлашни ҳам билмайсан киши. Ахир, бозорлар мамлакат иқтисодининг кўзгуси эканлигини наҳотки тушунишмаса?! Бугун халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга, мустақил юрт иқтисодётини ривожлантиришга, ободончилигимизни таъминлашга бел боғламаган ва шу йўлда сидқидилдан хизмат қилмаётган раҳбарларни Президентимиз қатор йиғинларда сўзлаган нутқларида қаттиқ танқид қилган эдилар-ку?! Бундан тўғри хулоса чиқаришнинг мавриди келмадимикин?

Сайдазим МАРДИЕВ,
журналист.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Қадимда бозорлар чегара билмаган. Олис Венециядан йўлга чиққан карвон Чин-Мочин бозорини кўзлаган бўлса, шимоллик савдогар молини Ҳиндистон бозорида сотишни мўлжал қилган. Буюк ипак йўли бу фикримизнинг далилидир. Бироқ ўша замонларда ҳам тужжорлар чор-атрофда яшовчиларнинг эҳтиёжидан ортган молларни ўзга юртларга олиб боришган ва ўз навбатида у ёқлардан элдошлари муҳтож бўлган маҳсулотларни олиб келишган.

Мақола муаллифи Қорасув бозори мисолида бу анъана бугунги шароитда ҳам давом этаётганлигини, лекин айрим ҳолларда республикамиз халқига зарур бўлган ва ҳукуматимиз томонидан четга чиқарилиши таъқиқланган маҳсулотлар божхона постларидан ҳеч бир тўсиқсиз ўтиб кетаётганлигини қаламга олган. Шу билан бирга ўз ҳудудимиздаги бозорни обод қилишнинг йўлларини излашга мутасаддиларни даъват қилган. Муҳарририят ана шу нуқтаи назардан Республика солиқ қўмитаси ва божхона бошқармаси раҳбарларига мурожаат қилган эди. Афсуски, ҳар икки соҳа вакиллари ҳам ўзлари олиб бораётган ишларни шунчаки қайд этишдан нарига ўтмабдилар. Бундай мисолларни исталган бозор фаолияти билан боғласа ҳам бўлаверади. Чунки, бой берилаётган имкониятлар ва ихтиёримиздан чиқиб кетаётган маблағлар салмоғи қанча-ю солиқчилар ва божхоначиларнинг хизматлари туфайли бюджетимизга тушаётган маблағ миқдори қанчалиги мақолада ва расмий жавоблардан кўриниб турибди. Бу ўн сўм фойда қиламан деб минг сўм зиён қилиш билан баравар эмасми?

Биз солиқ ходимлари ва божхоначилар яхши ишламаяпти, деган фикрдан йироқмиз. Мақолани эълон қилишдан мақсад ҳам бу соҳа ходимларини айблаш эмас. Аксинча, нима қилсак, қанақа тадбир белгиласак, қандай йўл тутсак Қорасув бозорининг аввалги шуҳрати тикланади, соҳилнинг нариги томонига оғиб кетаётган савдогару тижоратчиларимизни ва шу баробарида маҳсулотларимизни қайтариш мумкин деган фикр олдинга сурилган. Назаримизда, ана шу жиҳатларга кўпроқ эътибор бериш лозим эди. Негаки, бошқа давлатлар билан биргина Қорасув шаҳри чегарадош эмас, худди шунингдек, чегара яқинида ёки чегаранинг ўзида жойлашган бозор ҳам битта эмас. Агар уларнинг ҳар бирида мақолада кўтарилган каби муаммолар, фойдадан кўра зиён кўп бўлса, демак бу ҳолга маҳаллий раҳбарларнинг оддий томошабин қатори бепарво қараб туришлари ҳам инсофдан эмас, деб ўйлаймиз. Ахир, гап республикамиз иқтисодиётини ривожлантириш, халқимиз турмуш даражасини яхшилаш имкониятлари ҳақида боряпти. Шундай экан, бу фикрларга Андижон вилояти ҳокимлиги, қолаверса газетхонларимиз қандай муносабат билдиришар экан?

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "УМИД" жамғармаси қуйидаги ихтисосликлар бўйича хорижий ўқув юртларида таълим ва бакалавр ҳамда магистр даражасини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг грантларини олишга талабгорларнинг 1997-1998 ўқув йилига танлов турлари бошланишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Устивор соҳалар номи	АҚШ	Буюк Британия	Франция	Германия	Япония
ИҚТИСОД а) монетар сиёсат ва пул муомаласи	Принстон Университети Колорадо Университети Миссури Университети Жонс Хопкинс Университети	Лондон Университети	Бордо Университети Клермон-Ферран Университети	Кёльн Университети	ХитотцубашиУниверситети (Токио ш.) Токио Университети Кёто Университети (Кёто ш.)
б) тижорат банклари иши	Гарвард Университети Принстон Университети Миссури Университети Колорадо Университети	Лондон Университети	Канн Университети	Кёльн Университети	Хитотцубаши Университети Токио Университети
в) молияни бошқариш	Гарвард Университети Миссури Университети Колорадо Университети Рочестер Университети Индиана Университети	Лондон Университети	Сарбонна(Париж-1) Университети	Кёльн Университети	Хитотцубаши Университети Токио Университети
г) сармоялар ва қимматбаҳо қоғозлар бозори	Гарвард Университети Миссури Университети Колорадо Университети Индиана Университети	Лондон бизнес-мактаби		Кёльн Университети	Хитотцубаши Университети Токио Университети
д) менежмент ва маркетинг	Гарвард Университети Рочестер Университети Стэнфорд Университети Вашингтон Университети Колорадо Университети	Оксфорд Университети Ноттингем Университети	Клермон-Ферран Университети Ноттингем Университети	Кёльн Университети	Хитотцубаши Университети Токио Университети
ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ а) халқаро сиёсий ва ҳуқуқий муносабатлар	Колумбия Университети Колифорния Университети Принстон Университети	Лондон Университети Оксфорд Университети Кембриж Университети	Бордо Университети Парижнинг сиёсий тадқиқотлар институти		Хитотцубаши Университети Токио Университети Кёто Университети
б) халқаро молиявий ҳуқуқ	Колумбия Университети Колифорния Университети	Кембриж Университети	Сарбонна (Париж-1) Университети		Хитотцубаши Университети Токио Университети
в) халқаро тижорат ҳуқуқи	Колумбия Университети Колифорния Университети Иллинойс Университети	Кембриж Университети	Сарбонна (Париж-1) Университети		Хитотцубаши Университети Токио Университети
ИНФОРМАТИКА ВА КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ а) ҳисоблаш тизимини лойиҳалаштириш	Техас Университети Пенсильвания Давлат Университети Мичиган Университети Нью-Йорк Давлат Университети	Лондон Университети Кранфилд Университети			Токио Университети Токионинг технология Университети
б) компьютер тизимини лойиҳалаштириш	Техас Университети Пенсильвания Давлат Университети Мичиган Университети Нью-Йорк Давлат Университети	Лондон Университети Кембриж Университети			Токио Университети Токионинг технология Университети Кёто Университети
в) тизимли программалаштириш	Техас Университети Пенсильвания Давлат Университети Нью-Йорк Давлат Университети Мичиган Университети	Лондон Университети Кембриж Университети Манчестер Университети			Токио Университети Токио технология Университети Кёто Университети
г) амалий программалаштириш	Техас Университети Пенсильвания Давлат Университети Нью-Йорк Давлат Университети Мичиган Университети	Лондон Университети Кембриж Университети Манчестер Университети			Токио Университети Токионинг технология Университети
ТАБИИЙ ФАНЛАР а) физика	Колорадо Университети Индиана Университети Нью-Йорк Давлат Университети Мичиган Университети	Кембриж Университети			Токио Университети Токио технология Университети
б) математика	Колорадо Университети Индиана Университети Нью-Йорк Давлат Университети Мичиган Университети	Кембриж Университети Эдинбург Университети Оксфорд Университети	Гренобль-1 Университети Ренн-1 Университети Страсбург-1 Университети		Токио Университети Токио технология Университети
в) химия	Колорадо Университети Индиана Университети Нью-Йорк Давлат Университети Техас Университети	Кембриж Университети Бирменгем Университети	Гренобль-1 Университети Сорбонна Университети (Париж-6)		Токио Университети
г) биология	Индиана Университети Мичиган Университети	Кембриж Университети	Монпелье-2 Университети Монпелье-2 Университети Гренобль-1 Университети		Токио Университети Токионинг қишлоқ хўжалик ва саноат Университети Кёто университети
д) ген муҳандислиги	Техас Университети Пенсильвания Давлат Университети Нью-Йорк Давлат Университети Техас Университети Техаснинг Эй энд Эм Университети	Кембриж Университети	Сорбонна Университети (Париж-6)		Токионинг қишлоқ хўжалик ва саноат Университети Токио Университети
е) ноанъанавий қувват манбаларидан фойдаланиш	Пенсильвания Университети Техаснинг Эй энд Эм Университети	Манчестер Университети Абердин Университети Кранфилд Университети			Токио Университети Токионинг технология Университети
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ а) селекция ва пахта уруғчилиги	Техаснинг Эй энд Эм Университети Небраска Университети				
б) донларнинг тез бўлиниш технологияси	Техаснинг Эй энд Эм Университети Небраска Университети	Лондон Университети		Бонн Университети Гумбольт номли Берлин Университети	Токио Университети Токионинг қишлоқ хўжалик ва саноат Университети
в) молларнинг сермаҳсул наслларини чатиштириш	Техаснинг Эй энд Эм Университети Небраска Университети			Гумбольт номли Берлин Университети	Токио Университети Токионинг қишлоқ хўжалик ва саноат Университети
ЭКОЛОГИЯ ВА СУВ ТИЗИМЛАРИНИ БОШҚАРИШ	Индиана Университети Нью-Йорк Давлат Университети Пенсильвания Давлат Университети Колорадо Давлат Университети Стетсон Университети Техаснинг Эй энд Эм Университети	Лондон Университети Вестминтер Университети Кембриж Университети	Монпелье-2 Университети Монпелье-1 Университети Лион-1 Университети Гранобль-1 Университети		
ЖУРНАЛИСТИКА	Индиана Университети Техас Университети	Вестминстер Университети Йорк Университети	Лиль Олий журналистика мактаби Парижнинг журналистларни тайёрлаш Маркази		

"УМИД" жамғармасининг бошқаруви 1997 йил 26 марттача тест ва суҳбатлардан ўтиш учун қайд қилинадиган ҳужжатларни тақдим қилишни сўрайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг грантини олиш бўйича танловда иштирок этиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар рўйхати:

1. "УМИД" жамғармасининг Бошқармаси номига йўналиши, ихтисослиги ва таълим шакли кўрсатилган ариза.
2. а) бакалавриат учун: Танланган ихтисослик бўйича олий ўқув юртининг 1-2 курсини муваффақиятли тугатганлиги тўғрисида маълумотнома;
б) магистратура учун: Танланган ихтисослик бўйича олий ўқув юртининг тугатганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси.
3. Олий ўқув юрти ректорати ёки ўқишга юборадиган бошқа ташкилот раҳбариятининг тавсифнома ва тавсияномаси.
4. Чет элга кетиш учун суратлар (10 дона).
5. 286 - шакл бўйича тиббий маълумотнома.
6. Паспорт.
7. Ҳарбий билет ёки ҳарбий хизмат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома.

Танлов турлари 1997 йил 26 мартдан 10 майгача 3 босқичда ўтказилади.

1 - босқич: *Танланган ихтисослик бўйича тест.*
2 - босқич: *Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги, тенг ҳуқуқлилигини мустаҳкамлашга доир ҳаётий нуқтаи назари ҳамда тарихий, маданий билимларни аниқлаш юзасидан суҳбат.*
3 - босқич: *Чет тили ва танлаган ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда хорижий олий ўқув юрти талабларига жавоб берадиган билимларни аниқлаш юзасидан тест.*

Танлов турларининг 1- ва 2 - босқичлари етук олим ва мутахассислар, илмий ходимлар, психологлар, шунингдек, фаолиятнинг устивор соҳалари вакилларидан тузилган "УМИД" жамғармасининг махсус ҳайъати томонидан ўтказилади.
3 - босқич ихтисослаштирилган хорижий тест компаниялари томонидан амалга оширилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш ва суҳбатларни ташкил этиш бўйича танлов ҳайъати қуйидаги манзилгоҳда жойлашган:
Тошкент шаҳри, Якуб Колас кўчаси, 16-уй. Банк-молия академияси. 39-хона, тел.: 68-43-10, 68-38-10.

Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар

ҚАДИМ ШАРҚ ЖОЗИБАСИ

Бухоройи шарифда, Мирзо Улуғбек мадрасаси (1417 йил) рўпарасида бунёд этилган Абдулазизхон мадрасаси (1648 йил) аталмиш меъморий обида бор. Бухоро ва бутун Туркистондаги мадрасалар ўлчам ва безак жиҳатидан бир-бирини мутлақо такрорламайди. Бу хусусият мазкур обидага ҳам хос. Баланд пештоқ йўлагидан ўнгдаги гумбазли масжид меҳробида «сирли» нақш ишланган: узоқроқдан — йўлакдан меҳробга синчков қарасангиз, нуроний чолнинг сиймосини, яқинидан — меҳробдан иккиуч қадам беридан томоша қилсангиз — атиргулни кўрасиз. Кеча-кундуздаги соатлар ва ёғду тушишидаги табиий ўзгаришлар бу «мўъжиза»га таъсир этолмаганидек, Бухоро пойида қариган асрлар ҳам унинг сир-синоатидан лол кечмоқдалар.

Оқсоч тарих давомида Туркистондек сўлим ва саховатли мамлакат бошига қилич ўйнатиб келган давлатлар ва миллатлар силсиласида фақат араблар ва русларгина янги диний ва сиёсий таълимотга асослангани туфайли улардан моддий ёдгорликлар кўп сақланиб қолди, форслар, юнонлар, ва айниқса, мўғуллардан кўзга кўринарли меъморий ёдгорлик деярли қолмади. Нега шундай? Бу—куч билан сингдирилаётган янги мафкуранинг маҳаллий халқ менталитетига нечоғли мос келишига боғлиқ ҳодисадир. Мабодо, Мовароуннаҳр Исломни қабул қилганидан сўнг минтақа фарзандлари бутун Ислом оламида Ислом минтақа маданиятини, кўп ҳолларда умумислом маданиятининг тамал тошини қўйиб берган бўлсалар, Хоразмшоҳлар салтанатини забт этган Чингизхон ва 100-150 йил минтақани мутаб ётган чингизийлар ўзининг гуркираган даврини бошдан кечириб улгурган Ислом минтақа маданияти билан тўқнашдилар, авлоддан-авлодга унга таслим бўлиб боравердилар. Ана шу таслим бўлиб бораверишнинг авж палласида — Чиғатойхон ва Ҳулогухон мулкида парокандалик авж олган XIV асрнинг иккинчи ярмида юрт истиқлоли саҳнасига Амир Темур ҳазратлари чиқади. Давримизнинг буюк тарихчиси, шарқшуноси, туркийшунос олими Лев Гумилёвнинг эътироф этишича, Амир Темур Сомонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар ва қисман Қорахонийлар давлатчилик маданиятининг қатъиятли муносиб вориси эди. Бу нарса нафақат ҳудудий жиҳатдан — Турон, Хуросон, Эрон, қисман Кавказнинг ягона давлатга бирлаштирилишида, қолаверса, туркийларга хос бемисл бунёдкорлик ишларида ҳам намоён бўлди. Бунёдкорлик, хусусан, меъморчилик соҳасида яратувчилик эса муайян тупроққа яқинлик, унга садоқат туйғуси билан боғлиқдир.

Муҳтарам домламиз — архитектура фанлари доктори Пўлат Зоҳидов ўтган йили «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти томонидан уч — ўзбек, рус, инглиз тилларида нашрга тайёрланиб, Соҳибқирон тўйига тақдим этилган «Темур даврининг меъморий каҳкашони» мажмуа-альбоми яратишга киришган пайтда нечоғли йирик ва мураккаб, айни чоғда шарафли ишга қўл ураётганини теран ҳис этган. Советлар ҳукмронлиги даврида Марказий Осиё ва хусусан Ўзбекистон меъморий обидалари ҳақида турли-туман умумлаштирувчи альбомлар онда-сонда нашр этилган бўлса-да, тарихий шахслар ва уларнинг даври билан боғлиқ обидалар деярли алоҳида тадқиқ этилмаган эди. Зеро, Сомонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Қорахонийлар, Темурийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар ва кичик хонликлар даври миллий меъморчилигимиз тарихида алоҳида даврлар ва бўғинларни ташкил этади. Ваҳоланки, Соҳибқирон Амир Темур ҳаётлигидаёқ «меъмори аввал» деб тан олинган, Абдуллахон Шайбоний «меъмори сонии» деб эътироф этилган, Салжуқийлар Турон меъморчилиги аъмоллари Рум ва Араб дунёсига ёйганлар, Тўғлуқийлар ва Темурийлар уни Ҳиндистондек қадимий цивилизация диёрига сингдира олган эдилар. Алалхусус, тадқиқотчининг бепоён уммон қирғоғида турганлигини ўзи ҳам, биз ўқувчилар ҳам туямиз.

Тадқиқотнинг икки муҳим жиҳати бор: биринчидан, Амир Темур даври меъморий обидалари ўзидан олдинги ва ўзидан кейинги меъморий ёдгорликлар силсиласидан ажратиб олинади ва мақоми белгиланади. Иккинчидан эса, давр меъморий обидалари ўртасида ҳам ўзига хос саралаш, хиллаш амалга оширилади. Биноларни илмий тавсифлашда такрорга йўл қўйилмайди. Буни илғаган китобхонлар уни илиқ қаршиладилар, тадқиқотчилар юксак баҳо бердилар.

Пўлат Зоҳидов Ўзбекистон меъморий ёдгорликларини ташқи олам билан уйғунликдан тин олаётган мусиқага қиёслар экан, фақат теран илмий тадқиқот, алломаларга хос инъикос билан айни мусиқани қайта жаранглатиш мумкинлигини исботлади.

Абдулла Қодирий мукофотига тавсия этилган «Темур даврининг меъморий каҳкашони» альбомининг бир қанча ҳаётий, амалий фойдали томонлари бор. Аввало, китоб Ўзбекистонда тайёрланиб, юртда чоп этилган альбомларнинг қалдирғочи. Бунинг иқтисодий жиҳатдан самарали эканлиги ҳаммага аён. Иккинчидан, эндиликда халқимиз ўз боболаридан ёдгорлик обидаларни кўз қорачиғидек асраш — шуначаки шиорбозлик бўлмай, маънавий маърифий зарурат эканлигини, шунинг баробарида сиёсий, иқтисодий аҳамиятга эга эканлигини ҳам англаб етмоқда. Китоб билан танишгач, тарихимизни эзозловчилар сафи Ўзбекистонда ҳам, юртдан ташқарида ҳам кўпаяди. Учинчидан, Ўзбекистон меъморчилик тарихини ёритишда ва ундан дунё аҳлини баҳраманд этишда янги босқич бошланаётир: демак, эндиликда Сомонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар даври меъморчилиги ҳақида ҳам тадқиқотлар битилади. Шу билан бирга, нафақат йирик шаҳарлардаги, айни чоғда чекка туман ва қишлоқлардаги ёдгорликларнинг элга, дунёга танилишидан умидвор бўламиз. Умидворлигимиз табиий — сўнгги йилларда альбом ноширчилиги мамлакатлараро ва миллатлараро маданий алоқаларнинг муҳим унсурига айланди. Кўркам нашрлар юртга сайёҳлар, меҳмонларни жалб этишда ўзига хос ташвиқий мавқе касб этмоқда. Шулар ва бошқа афзал жиҳатлар Пўлат Зоҳидов тадқиқотининг ҳар томонлама фойдали ва зарур нашр эканлигини исботлаб турибди.

Ўзбек меъморчилиги тарихининг фидойиси, тадқиқотчи, архитектура доктори Пўлат Зоҳидовнинг Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига туҳфа этган китоби — Ўзбекистонда янгича илмий тафаккур куртак ёзаётганидан далолат беради. Ундаги синтез ва таҳлил, танлаш ва талқин, миллий илмий тафаккур эндиликда юрт қаватида дунё миқёсига чиқишга дадил интилаётганидан бир мужда.

Ўз матбаа негизига эга бўлган корхоналаримиз орасида дастгоҳларининг замонавийлиги, техник-технологик жараёнларнинг мукаммаллиги билан ажралиб турувчи «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида чоп қилинган бир неча китоблар Абдулла Қодирий номли Давлат мукофотига тавсия этилди ва бир қанчаси айни юксак мукофотга сазовор бўлди. Мисол тариқасида Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романини ва унинг китоб шаклидаги кўркам нашрини келтириб ўтишимиз мумкин. Муҳтарам муштарийлар нокамтарликка йўймасинлару, «Шарқ» босмахонасида чоп этилган китоблар сўнгги йилларда уларни халққа ва бутун дунёга танитмоқда. Пўлат Зоҳидовнинг «Темур даврининг меъморий каҳкашони» альбоми аввало Ўзбекистон халқига, айни чоғда бутун дунё аҳлига қаратилган китобдир. Шу боис концерн бош таҳририяти уни нашрга тайёрлаш жараёнига алоҳида диққат-эътибор билан ёндашди, билганларидан унумли фойдаланди, билмаганларини сўраб-суриштириб амалиётга татбиқ этишдан тортинмади. Бунинг натижаси ўлароқ, кейинчалик корхона босмахонасида чоп этиладиган кўркам нашрларни элга тақдим этиш тажрибаси ҳам ўзлаштирилди. Зеро, Ватанимиз борган сайин дунёга юз очиб, янгича тафаккур ва дунёқарашлар юртимизга ва онгимизга кириб келар экан, биз ноширлар ва матбаачилар ҳар қандай илғор ғояни ва барҳаёт анъаналарни амалга ошириш ва сақлашга интиламиз. Шунда юртимизнинг нозиктаъб адиблари ва зукко олимларининг асарлари ҳамда тадқиқотларига таяниб иш кўрамиз.

Пўлат Зоҳидовнинг Соҳибқирон тўйига ва Ўзбекистон халқига муносиб совғаси бўлмиш ушбу китоб ҳам — кўҳна Шарқнинг сир-асрорлар тўла бағридан бир мужда, янги бир туҳфадир.

Қутласак арзийди: барҳаёт китоб дунёга келди!

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИНГ БОШ ТАҲРИРИЯТИ.

ЎЗМЕТАЛЛСАВДО
АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Наврўзи айём билан самимий муборакбод этишдан мамнунмиз!
Барчага тоду хуррамлик, хуш кайфият тилаймиз.

Очиқ турдаги «ЎЗМЕТАЛЛСАВДО» акционерлик жамияти акциядорлари диққатига!

Сизларни 1997 йил 21 апрель соат 14.30 да бўладиган акциядорларнинг йиллик йиғилишига таклиф этамиз.

Кун тартибида кўриладиган масалалар:

1. Акционерлик жамиятининг 1996 йилги иш якунлари ва 1997 йилги ривожланиш вазифалари.
2. 1996 йилги хўжалик фаолияти якунларини ва дивидентлар миқдорини тасдиқлаш.
3. Акционерлик жамияти бошқарувининг 1996 йилдаги қарорларини тасдиқлаш.
4. Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.

Йиғилиш иштирокчилари соат 13.30 дан рўйхатга олинадилар.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 136-уй.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 24

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 Эстрада тароналари.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Асака». Премьера.
9.15 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 2-серия (Италия).
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ислоҳот одимлари».
10.25 «Бола бошидан...» Мактабгача тарбия масалалари.
10.55 М. Бобоев. «Қўнгил қўчалари». Видеофильм. 30-қўй.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоалари яккахоларининг концерти.
12.05 «Нон таъми».
12.15 «Гул ва Наврўз». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «Чорраҳа».
18.35 «Алпомиш авлодлари». Эркин кураш. Ўзбекистон чемпионати.
18.50 «Қисматга қасдма-қасд». Публицистик кўрсатув.
19.05 «Диёр». Тележурнал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Маънавият хазинаси». Премьера.
21.50 «Ташаббус». Республика тадбиркорлар кўрик-танловининг якуний босқичи.
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.25—00.35 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Компьютер-Осиё».
19.05 «Услуб».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 «Спорт қитъаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кинонигоҳ».
22.30 Кундалик.
22.35 «Спорт қитъаси».
23.05 «Бебаҳо лаҳзалар».
23.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.15—00.25 Кундалик.

III

17.55 Янгиликлар.
18.00 «Сўх дарёси бўйида». Телефильм.
18.15 Эълонлар.

*

18.20 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Бланш». Телесериал. 1-серия (Канада).
22.30 «Кругозор». Тележурнал.

*

22.50 — 23.10 Россия давлат телевидениеси.

*

23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.20 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Истеъдодлар ва мухлислар».
19.35 «Замандас».
20.05 «Жаҳон».
20.25 Эълонлар.
20.30 Кечки сеанс. «Жен Эйр». Бадиий фильм.
21.50 «Сўз — сизга».
22.05 «Авторейд».
22.15 Эълонлар.
22.20 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.10 «Спорт-тайм».
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Лирик концерт.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Усмирлар учун. «Биз сиз билан».
10.25 Инглиз тили.
10.55 Шифокор экрани.
11.25 «Кашф этилаётган имкониятлар».
11.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ҳофизлар куйлаганда». Премьера.
12.20 «Йўллар ва ўйлар».
12.40 «Ўз тақдирини излаган одам». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Наврўз чечаклари».
18.30 «Алпомиш авлодлари». Эркин кураш. Ўзбекистон чемпионати. Финал.
18.45 «Санъат дўстлиқ»га чорлайди».
19.05 «Мулкдор».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Шаҳар бедарвоза эмас...»
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Маънавият». «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.40 «Альманах-ТВ».
22.20 ЎзТВ хазинасидан. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.15 «Замон».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15—00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 ТВ плюс...
18.40 «Киносайёра».
19.00 «Нафис мажлислар».
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 ТВ плюс...
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Спорт қитъаси».
21.20 Кундалик.
21.30 «Акс».
21.50 «Авлодимиз».
22.05 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
22.25 Кундалик.
22.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 «Кинонигоҳ».
00.15—00.25 Кундалик.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 «Уй ажинаси ва бекаси», «Уй ажинасининг қайтиши». Мультфильмлар.
18.15 Эълонлар.

*

7.30 — 9.00, 18.20 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Бланш». Телесериал. 2-серия.
22.30 «Афсоналар ўлкаси». Телефильм.

*

22.50 — 23.15 Россия давлат телевидениеси.

*

23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.25 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш дастури.
19.20 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
19.35 Эълонлар.
19.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.30 «Дорихона эшитади».
21.10 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.40 «Уйингоҳ + оила».
22.10 Эълонлар.
22.15 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.05 Немисча шарҳ.
23.30 «Америкага бир назар».
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Миразиз куйлаганда». Фильм-концерт.
8.55 «Альманах-ТВ».
9.35 Болалар учун. «Сен ёруғ тилаксан, Наврўзим».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
Укув кўрсатувлари:
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Ассалом, япон тили!».
11.40 «Тест синовлари — адолат мезони».

*

12.00 «Маънавият». «Оҳанглардан таралган меҳр».
12.20 ЎзТВ хазинасидан. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
13.15 «Уйла! Изла! Топ!». Телебеллашув.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ертиқулоқ ва ялқовлар». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...».
18.25 «Замон билан ҳамнафас».
18.45 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамбларининг «Зилол» телефестивали.
19.05 «Табаррук қадамжолар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Маънавият». Мусиқа ва замон.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.40 «Мавзу».
22.00 «Сир».
22.10 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.25 «Автоолам».
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) — «Суғдиёна» (Жиззах).
00.40 Тунги тароналар.
00.50-01.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Дойче-Велле» тақдим этади...
19.05 «Зерикмай десангиз...»
19.15 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 «Спорт қитъаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кинонигоҳ».
22.30 Кундалик.
22.35 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
22.45 «Зерикмай десангиз».
22.55 «Спорт қитъаси».
23.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20—00.30 Кундалик.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 «Муъжизакор гўзаллик сири». Телефильм.
18.15 Эълонлар.

*

7.30 — 9.00, 18.20 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Бланш». Телесериал. 3-серия.
22.30 «Шоҳсупа сари йўл».

*

22.55 — 23.15 Россия давлат телевидениеси.

*

23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.25 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Мезон».
19.30 «Ирэндек».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Нафосат гулшани».
20.45 «Автосалтанат».
20.55 Эълонлар.
21.00 Экстремал ўйинлар.
21.50 «Дунё ва болалар».
22.10 Эълонлар.
22.15 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.05 «Британия кундалиги».
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Халқаро театр куни. «Муаллиф бобонинг сўзи». Болалар учун кўрсатув.
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 «Сирли олам». Адабий кўрсатув.
11.25 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.
11.45 Халқаро театр куни. «Ёлқин».
12.05 «Қайта тергов». Бадиий фильм.
13.10 «Маърифат» видеоканали.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» (Қарши) — «Афросиёб» (Самарқанд).

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.30 «Омонлик тилаймиз».
18.40 Дилнавоз садолар.
18.45 «Акциядор луғати».
19.00 «Катта танаффус».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Инсон манфаатлари йўлида».
21.20 «Қушиқлардан изладим бахтни». Шуҳрат Қаюмов.
21.45 «Мутойиба».
22.00 Халқаро театр куни. «Саҳна ҳаёти».
22.30 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 19 — 20-қисмлар.
23.25 Эълонлар
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Янгиер» (Янгиер).
00.40 Тунги тароналар.
00.50 — 01.00 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Спорт қитъаси».
9.30 «Компьютер-Осиё».
9.50 «Услуб».
10.10 «Бебаҳо лаҳзалар».
10.20 «Нафис мажлислар».
10.35 «Акс».
10.55 «Авлодимиз».
11.10 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
11.30 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
11.40 «Зерикмай десангиз».
11.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.10 «Дунё бўйлаб».
13.00 — 14.40 «Кинонигоҳ».

***

18.00 Кундалик
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Сув ости дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.40 «Мавзу».
22.00 «Сир».
22.10 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.25 «Автоолам».
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) — «Суғдиёна» (Жиззах).
00.40 Тунги тароналар.
00.50-01.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Дойче-Велле» тақдим этади...
19.05 «Зерикмай десангиз...»
19.15 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 «Спорт қитъаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кинонигоҳ».
22.30 Кундалик.
22.35 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
22.45 «Зерикмай десангиз».
22.55 «Спорт қитъаси».
23.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20—00.30 Кундалик.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 «Чўл саховати». Телефильм.
18.15 Эълонлар.

*

7.30—9.00, 18.20—21.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Бланш». Телесериал. 5-серия.
22.25 «Дарахт ва унинг илдизлари». Телефильм.

*

22.55—23.20 Россия давлат телевидениеси.

*

23.20 Эълонлар.
23.25—23.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Рангинкамон».
19.30 «Бу бўстон аро...»
20.00 «Умид чечаклари».
20.30 Эълонлар.
20.35 «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.25 «Уй остонадан бошланади».
21.55 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
22.20 Эълонлар.
22.25 «Олам ва одам».
22.50 «Монитор-Осиё».
23.20—23.30 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Кашфиёт». Мультфильм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Шохрух» клуби.
10.30 «Қушигим, жон қушигим». Наврўз қушиқлари.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
11.00 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
11.25 «Хабарнома».
11.35 «Менга сўз беринг».
12.15 «Мерос». А. Қодирий. «Ўтган кунлар».
12.40 Каттақўрғон тумани «Зарафшон» халқ ансамблининг концерти.
13.10 «Интеграл». Бадиий фильм.
14.25—15.25 «Нурли келажак». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Донишнома».
18.50 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Дилнавоз садолар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бизнес-академия».
21.20 «Рақслар гулдастаси».
21.30 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
22.00 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 21-қисм.
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:
22.40 «Куй ва тасвир».
23.00 «Раисбек». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан..»
9.20 «Камолот».
9.35 «Телевидение ва театр».
9.55 «Ором онлари». Концерт.
10.10 «Сизлардан ишорат».
10.40 «Ҳанда дўкони».
11.00 «Кинонигоҳ».
12.40— 13.10 «Спорт қитъаси».

***

18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Бугуннинг боласи».
18.40 Эълонлар.
18.45 «Кулги дарғалари». Чарли Чаплин.
19.05 «Ҳавас—ТВ».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Олтин кент».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури.
21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Спорт қитъаси».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10—23.50 Видео—«О».

III

18.30 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

18.35—22.40 Россия жамоат телевидениеси.

*

22.40 Эълонлар.
22.45 Тото Кутуньо қуйлайди.
23.25—23.35 «Гуллар юртининг дурдоналари». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Кининг олтин асри. «Серқуёш ўлка серенадаси». Бадиий фильм.
10.40 Эълонлар.
10.45 «Спектаклдан сўнг».
11.10 «Ассалом Қуёш, ассалом Наврўз!».
11.40 Шанба эртаги.
12.40 «Болалар дейишади...»
12.45 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
13.35—13.55 Корейс тилини ўрганамиз.

***

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Дебют».
20.15 «Шалом».
20.35 «Рақслар қанотида».
21.05 «5 дақиқа ўзинг учун».
21.15 «Болалар дейишади...»
21.20 «Салом, Франция!»
21.50 Эълонлар.
21.55 Кининг олтин асри. «Сукунат — олтин». Бадиий фильм.
23.30 «Бу ажиб дунё».
23.50—24.00 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Катта танаффус» янгиликлари.
9.35 «Бир ўлка-ки...»
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 21-қисм.
11.40 «Согинч».
11.50 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.30 «Келгуси ҳафтада».
12.45 «Интер-футбол».
13.20 «Мусиқа салтанати».
13.40 «Оҳеола». Бадиий фильм.
15.10—15.15 «Тақвим».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳамендаги муъжизалар ёки...»
18.20 «Қотиллик пайидаги». Бадиий фильм 3-серия (Италия).
19.05 «Пойинтар-сойин».
19.15 «Туҳфа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Илҳом сатрлари.
20.05 «Эгиз қушиқлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Минбар».
21.15 «Бу мунис лаҳзалар».
21.35 «Шаҳс ва бахс».
22.00 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 22-қисм.
22.40 «Футбол олами».
23.05 «Келгуси ҳафтада».
23.20 «Тақвим».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 Тунги сеанс. «Мудҳиш хато». Бадиий фильм.
01.35 Тунги тароналар.
01.45—01.55 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Боланинг тили...»
9.15 «Ёрилтош». Мульттўплам..
9.45 Болажонлар экрани.
11.00 «Табиат шифохонаси».
11.10 «Севги соҳили». Киноконцерт.
11.30 «Бу ажиб дунё».
11.35 «Глобус». Телеальманах.
12.05—13.45 Видео—«О».

***

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
19.00 «Мухлис—ТВ 2».
19.15 «Табиат шифохонаси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Баҳор тароналари». Киноконцерт.
20.20 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.20 Видео—«О».
23.00 «Мафтункор чеҳралар».
23.25 «Мухлис—ТВ 2».
23.40 «Даракчи». Қонун ҳимоячилари.
23.50 «Мувозанат» — келгуси ҳафта тақвими.
24.00 Дастур ниҳояси.

III

16.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

16.55—22.55 Россия жамоат телевидениеси.

*

22.55 Эълонлар.
23.00—23.25 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!»
9.30 «Парле ву франсе?»
10.00 «Жонли сайёра».
10.30 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
12.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.20 Киносалон. Ф. Феллининг «Саккиз ярим» фильми. Бош ролларда — М. Мастрояни ва К. Кардинале.
14.30 «

КЕЛАЁТГАН БАҲОРОЙНИНГ ЎЗИМИКАН...

Баҳор васфи

Теракларда ҳилпиради попукчалар,
Елларми, ё елармикан чобукчалар.
Куртакларда титрар нафис қобиқчалар.
Гул — кўкламнинг энг илоҳий сўзимикан?

Олисларда ифор ортган карвонга боқ,
Карвондаги бир ҳилқати жаҳонга боқ,
Чаманзор ер ҳам мусаффо осмонга боқ,
Келаётган Баҳоройнинг ўзимикан?

Кокиллари мажнунтолнинг сочидайин,
Восиллари мажнун бўлиб қолар тайин.
Қизғалдоқлар тебранади майин-майин,
Улар олов бўсаларнинг изимикан.

Олам ёнар яшил-яшил оловларда.
Чучмўмалар яшнаб турган яйловларда,
Озод бўлиб юракдаги тушовлардан,
Дукур-дукур чопаётган орзумикан?
Олам ёнар яшил-яшил оловларда...

Арафа

Ўчар кир варакда қорнинг сурати,
Ёмғир нуқта қўяди қишга.
Сўнг офтоб давотдек тўлиб туради,
Терак патқаламдек шайдир ёзишга.

Мовий дафтардаги саҳифа — само,
Турналар тизмаси нуқталардек жам.
Нуқта — ниманингдир тугаши, аммо
Нуқта — ниманингдир бошланиши ҳам.

Сарғиш чироқларин ёқар қоқигул.
Бу ҳам ўзига хос огоҳлантириш:
Энди юракларга очилади йўл,
Энди юракларга бошланар юриш.

* * *

Муҳаббат ёшидан ўтдим, чамамда,
Кўнгил тунги шаҳар сингари мудроқ.
Эриш туюлади баъзан чаманда
Гулга термулмоғу, ёрга шеър битмоқ.

Муҳаббат ёшидан ўтдим чамамда,
Хуш йўқ бош ургали остоналарга.
Совуқ ва бешикаст — ёнмаган шамдай,
Парвосиз боқаман парвоналарга.

Муҳаббат ёшидан ўтдим чамамда,
Кирдимми лоқайдлик кўчаларига?
Жизғанак бўлавер ўзинг, самандар,
Яна мен ёнишим шарт экан нега?..

Нега юрагимга қоши камондан
Теккан тийрларни тергайман бот-бот.
Муҳаббат ёшидан ўтдим чамамда,
Чамамда, бошимдан ўтди муҳаббат...

* * *

Зардолу куртаги — ғунча,
Гужумлар мудраган оқшом
Мажнунтол то соч ўргунча,
Сирларини гуллади бодом.

Юраклар орзиқиб кетди,
Тераклар фалакка етди.
Тут қандай ўзини тутди?..
Сирларини гуллади бодом.

Ёт энди замҳарир онлар,
Ёғилди абри найсонлар,
Очилди зумда осмонлар,
Сирларини гуллади бодом.

Нигоҳи дилимга ларза,
Қошлари баҳорий майса,
Ул ёрга розимни айтсам,
Сирларини гуллади, бодом.

Лабларинг ғунчами, гулқанд.
Кўзларинг — тунчами гулхан.
Бодом — қабоғингчами, гултан...
Сирларингни гуллади бодом.

* * *

Э. га

Манга жононамдан пайғом келтир, дўст.
Пайғомки, мудом ва мудом келтир, дўст.

Шод ўлай — ишқ ғами тарқаса шояд,
Кўза тут, пайдар-пай ё жом келтир, дўст.

Офтобюзлигимнинг кўйида куйдим,
Қуюқ кипригидай бир том келтир, дўст.

Фироқ кечасида тентийман токай,
Ки, қамарсиймони тамом келтир, дўст.

Ишқ тариқатида товбада эрдим,
Энди ҳолимга мос мақом келтир, дўст.

Анга роз айтгали ўзимдамасман,
Мани топ, манга бир Ғулом келтир, дўст.

Ғулом МИРЗО.

Кўклам туйғулари

Спорт

ДАВРА БОШИДА

Олий лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг дастлабки давраси ўйинлари бошланди. Дастлабки тур ўйинлари қизғин ва муросасиз баҳсларга айланди. Хусусан, «Нефтчи», «Навбаҳор», «Дўстлик» ва «МҲСК» жамоалари илк ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлиб, ўз ҳисобларига учтадан очко ёзишди. Бугун эса чемпионатнинг иккинчи тур ўйинлари бошланади. Мухлислар «Андижон» — «Пахтакор», «Афросиёб» — «Навбаҳор», «Нефтчи» — «Дўстлик» ва МҲСК — «Атласчи» жамоалари ўртасидаги учрашувларга қизиқиб турибдилар.

ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Байрам арафасида Волгоград шаҳрида республикамиз ногиронлар «Байналминал» футбол жамоаси ажойиб ғалабага эришди. Вакилларимиз анъанавий халқаро мусобақада МДҲ мамлакатларининг 14 жамоаси билан куч синашдилар. Омад футболчиларимизга кулиб боқди. Улар дарвозаларини дахлсиз қолдириб, финалга чиқдилар. Ҳал қилувчи ўйинда эса Москва спартакчиларини 3:0 ҳисобида ютиб, бош совринни қўлга киритишди.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 22-mart, shanba № 36 (22.120).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan





БУТУН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИ
БАҲОР ВА ЯНГИЛАНИШ ШОДИЁНАСИ —
НАВРЎЗ БАЙРАМИ БИЛАН
САМИМИЙ ВА ҚИЗҒИН ҚУТЛАШДАН МАМНУНМИЗ.
БАРЧА ХОНАДОНЛАРГА
ТИНЧЛИК - ОСОЙИШТАЛИК, ФАРОВОНЛИК
ЁР БЎЛИШИНИ ТИЛАЙМИЗ!

DM
FIRMA
DEMIR

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»),
Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир И. ҲАМРОЕВ, навбатчи М. АҲМЕДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0141

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«Йўловчи»

Ўзбекистон автотранспорт суғурта компанияси акционерлик жамиятининг Тошкент филиали барча юртдошлари ва ҳамкорларини Наврўзи олам билан самимий қутлаб,бахт-саодат ҳамда омад тилайди!

Ташкентский филиал АО УзАСК «Йўловчи» предлагает запчасти на автомобили

ГАЗ-24
*Автошины РАФ 185*15*
Вкладыши корен. рем, ст.
Вкладыши шатун. рем. ст.
Водяной насос Газ-2410
Втулки резьбовые
Гайка М-16 (стремян)
Генератор Г-254
Коленвал Г-24 вклад.
Крестовина
Моторокомплект (4 пор+4гш)
Отбойники зад. рес.
Панель задняя
Подшипник выжимной
Подшипник перед. ступ
Уплотнитель (флаж. семер)
Шаровые пальцы в сб.
Шкворня в сборе
ГАЗ-53
Блок шестерен КПП
Вал первичный
Дверь
Диафрагма бензонасос
Диск сцепления ведом.
Диск сцепления ведущий
Замок двери
Крестовина
Крыло
Масленный насос
Накладки сцепления Г-52
Подшипник выжимной
Распред. зажиг. Р-137
Рем. комплект вакуума
Ремень 10-14-1045
Рычаг сцепл. с подшип
Сальники клапанов
Сопротивл. СЭ-107
ГАЗ-52
Вал карданный
Вкладыши шатунные
Головка блока
Накладки сцепления ЗИЛ-130
Балка перед. моста
Вкладыши коренные
Вкладыши шатунные
Втулки шкворней
Датчик водяной
Капот
Диск сцепления 3-130
Кольца поршневые
Крестовина в сборе
Накладки торм. перед.
Накладки торм. прицеп
Наконечник рул. тяги
Пальцы рул. тяги
Подшипник выжимной
Ремень клиновой 1103
Сальник зад. ступицы
Синхронизатор 2-3 пер
Уплотн. трубы глушит.
Шкворня
Шланг тормозной
Прокладка гол. блока
Поршень с пальцами
Тормозная камера ЗИЛ-131
Мост задний
Мост передний
Полуось
Редуктор задн. моста
Редуктор перед. моста
Редуктор ср. моста КАМАЗ
Вкладыши коренные
Вкладыши шатунные
Водяной насос
Гайка колеса
Головка блока
Диск ведущий
Клапан двойной
Клапан тройной
Кольца поршневые
Крестовина в сборе
Манжета 76 /80
Манжета КПП 1230/1238
Накладки тормозные
Прокладка клап. крыш.
Ремень 8.5-8-1280
Ремень клиновой 1320
Ремкомплект ПГУ
Ремкомплект рег.давл.
Фильтр воздушный
Фильтр топливный
Прокладка гол. блока
Подшипник выж. № 9588214
Распылитель КАМАЗ
Ремком-т гл. торм. кр.
Ремкомплект ТНВД
Сальник зад. ступицы
Блок двигателя
А/шины 1200х500х508 МАЗ
Балка переди. моста
Вал карданный 6422
Вкладыши шат. ЯМЗ-236,
Вкладыши шат. ЯМЗ-238.
Крестовина в сборе
Мост перед. КРАЗ-214
Подшипник выжимной
Полуось
Распылитель
Ремкомплект ТНВД
Редукт. зад. моста 5551
Синхронизатор 2-3 пер
Синхронизатор 4-5 пер
Шестерн. вед. борт. пер.
Шестерня ведущ. борт.
Шкворня с втул. МАЗ-200
Выключатель мас. Вк700
Гильза-порш. группа
ПРОЧИЕ
Автолампа А24-5-1
Болты М-10 L-150
Болты М-12 L-50
Гайка М-10
Головки блока А-01, Т-100
Деловой дневник Тайм
Ось прицепа 14 тонн
Пистолет заправочный
Подшипник № 108710
Подшипник № 108810
Подшипник № 180306
Подшипник № 305
Стеклоподъёмник разные
Трос спидометра L-2. 5
Трос спидометра L-1. 6-1. 6
Шкворня Икарус с вт.
Паранит ПМБ 0.8
Паранит ПОН 0. 4-1. 0
Паранит ПОН 4.0
Пудра алюминовая
Слесарные инструменты более 15 наименований.

А также имеется в ассортименте более 300 наименований

Оплата по перечеслению и векселями по договоренности.
Адрес: г. Ташкент, ул. Айбека, 47.
Тел: (3712) 54-93-07, 54-78-19. Факс: (3712) 54-76-31.

МАҲАЛЛАДА ЛАПАР ТАНЛОВИ

Пойариқ туманидаги Аҳад Примов номли маҳаллада йилбоши байрами — Наврўз айёми кенг нишонланди. Маҳалла аҳли қозонларда сумалак қайнатиб, эл-юртга улашди. Шу куни маҳалла ижрочи ёшлари катта концерт ҳам қўйиб беришди. Туман ХДП кенгашининг биринчи котиби Эрдош Аҳадов ночор, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга туман ҳокимлигининг совғаларини топширди.

Маҳаллада Наврўзга бағишлаб ёшлар ўртасида кураш мусобақаси ташкил этилди. Айни чоғда маҳалла хотин-қизлари миллий терма қўшиқлар, лапарлар айтиш бўйича ўзига хос танлов ўтказдилар. Унда ғолиб чиққанларга ХДП туман кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Раҳим ХУДОЙҚУЛОВ.
Самарқанд вилояти.

ҚУТЛОВ!

Ҳурматли Акром Ёқубович Тошматов!

«Узбектуризм» Миллий компанияси раҳбарияти ва жамоаси Сизни 60 ёшлик тўйингиз билан чин кўнгилдан қутлайди. Сизга жамики эзгу ниятлар ва омад ҳамиша ҳамроҳ бўлсин. Доимо соғ-саломат бўлинг!

«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 27 март, пайшанба куни чиқади.